СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 127 (20. 394) • 1989 йил 31 май, чоршанба • Баҳоси 4 тийин.

СССР халқ депутатларининг съездида

30 май кунн эрталаб соат 10 да Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини давом эттирди.

Президиум аъзоси депутат Р. Н. Нишонов раислигида ўтган эрталабки мажлисда депутатлар СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқа бошладилар.

Доклад қилиш учун СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевга сўз берилади.

СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг Раиси М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Кремлнинг шу залида бўлаётган воқеаларга ҳамма диққат-эътибор билан қараётганлиги ушбу минбардан бир неча бор айтилди. Бу гаплар қайси ҳолларда ҳақиқий аҳволга тўғри келганлигини, қайси ҳолларда эса истаклар ҳақиқат деб қабул қилинганлигини ҳисоблаб ўтирмаймиз. Ҳозир биз ўзимиз билган нарсаларга таяниб, тўла асос билан шуни айтишимиз мумкинки, бутун совет халқининг, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори бизнинг съездимизга қаратилган.

Шу кунларда Кремлда Совет Иттифоқининг сиёсий тарихи уқубат билан, қийинчиликлар ва чалкашликларга қарши курашда янги демократик босқичга қадам қўяётганлигини билдирувчи воқеалар юз бермоқда. Қарама-қаршиликлар ва қаттиқ тўқнашувларда янги совет парламенти вужудга келмоқда, давлат механизмининг янги системаси шаклланмоқда, бу механизм амалда барча гражданларни ўзини ўзи бошқаришдек оғир меҳнатга жалб этади. Бу — чехословакиялик дўстларимизнинг «Руде право» газетасида баён қилинган фикрларидир.

Съездимиз беш кундан бери ишламоқда. Шу залда беш кундан бери эҳтиросларнинг қайнамоқда. Съезднинг иши турмушни демократик негизларда янгилаш, жамиятдаги чуқур революцион жараёнлар тўлқинида ўтаяпти, десам ҳаммангиз фикримга қўшиласиз деб ўйлайман.

Съезднинг ўзи ва унинг арафасида бўлиб ўтган ҳамма воқеалар, бошланган мунозаранинг руҳи — қайта қуришнинг яққол ғалабаси, аслида давлатимиз тақдиридаги янги саҳифа эканлигини ҳозир исботлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳаммамиз биргаликда ва ҳар биримиз ҳақиқатни англаб олишимиз — осон эмас, лекин у, депутат ўртоқлар, биз учун ҳаётий зарур жараёндир. Модомики шундай экан, жамики ишларимизни ошкора муҳокама қилиш, вужудга келган аҳволнинг сабабларини, бошланган ўзгартишлар қандай бораётганини юз-хотирсиз таҳлил этиш — мана шуларнинг ҳаммаси жамиятни лоқайдлик ва бепарволик кишанларидан қутқаради, ақлзаковатни қулф урдиради, позициялар ва таклифларнинг тўқнашувини келтириб чиқаради.

Фикрлар қанчалик хилма-хил бўлмасин съездаги баҳслар КПСС 1985 йил апрелидан сўнг, айниқса XIX партия конференциясида олға сурган, партиянинг сайловолди программасида баён қилинган асосий ғояларга ҳамоҳангдир. Мен буни зўр мамнуният билан таъкидлайман, чунки буни қайта қуриш сиёсатини халқ томонидан муҳим ҳисобланган қўллаб-қувватлашнинг ифодаси деб биламан.

Съездимиз дастлабки кунлардаёқ мамлакатда рўй бераётган мураккаб ва зиддиятли жараёнларни равшан акс эттирди. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Узоқ йиллар давом этган турғунлик натижасида мамлакат 80-йилларнинг бошларида турмушнинг ҳамма соҳаларини қамраб олган таҳликали кризис ҳолатига тушиб қолган эди. Вазият партиядан туб бурилиш қилишни талаб этарди. Бу — иқтисқол йўлини зўр масъулият билан танлаб олишдан иборат талаб эди ва партия шундай йўлни танлаб олди.

Танлаб олинган йўл тўғрилигини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Янгиланиш тўлқини мамлакатни оёққа турғизди. Экономикада, сиёсатда, маданиятда ижтимоий турмушнинг янги шаклларини ўзлаштириш жараёни бошланди, ўртоқлар.

Қайта қуриш бизнинг тақдиримиз, тарих томонидан бизга берилган имконият экани чуқур тушуниб олинганини съезд яна бир бор намойиш этди. Бу имконият бой берилиши мумкин эмас ва бой берилмаслиги лозим. Фикрлар нақадар хилма-хил ва зиддиятли бўлмасин, социализмни янгилашга, тубдан янгилашга қаратилган сиёсий йўлдан бошқа йўл йўқлиги хусусида ўзига хос умуммиллий иноқлик вужудга келди.

Ишлар мана шундай. Бироқ ҳозир мамлакат съездан қайта қуриш қандай амалга оширилаётганини ҳаққоний таҳлил этиб беришни кутмоқда. Қайта қуриш шу кунгача қандай натижалар берди, у қаерда ва нега умидларни ҳали ҳам оқлагани йўқ, қаерда ва қандай қийинчиликлар, муаммолар келиб чиқди. Энг муҳими — одамлар олға томон ҳаракат қилишни таъминлайдиган аниқ-равшан ечимларни кутмоқдалар.

Шу боисдан ҳам съездда бошланган ва унинг ишига эркинлик, бемалоллик руҳини бағишлаган гурунг ғоят муҳимдир. Бизнинг ҳаммамизни мураккаб ечимлар кутмоқда, биз ҳаммамиз бу ечимлар учун совет халқи олдида масъулмиз. Аммо съезд вазиятга баҳо беришда ва амалий чора-тадбирларни белгилашда вазминлик, давлатга хос донолик билан иш тутишига аминман.

Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бир лаҳзада ўзгаришлар қилинишини кутиб бўлмайди, албатта. Ҳозир энг қалтис муаммоларни жуда қисқа муддатларда ҳал этиш учун бутун куч-ғайратни зудлик билан жамлаш керак. Съезднинг, Олий Советнинг ва янги ҳукуматнинг асосий вазифаларидан бири ана шундан иборат, деб ҳисоблайман.

I.

Иқтисодий ва социал соҳалардаги чуқур ўзгаришлар — қайта қуришнинг пойдевори ва унинг мақсадларига эришишнинг ҳал қилувчи омилидир. Бу соҳадаги бутун ишнинг моҳияти экономикани инсон манфаатлари сари буриб юборишдан, совет кишилари учун замонамизга муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб беришдан иборат. Гап аввало озиқ-овқат, уй-жой, хизматлар, соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, таълим, фан ва маданиятни юксалтириш каби масалалар хусусида бормоқда.

Биз вужудга келган вазиятни коллектив бўлиб таҳлил этишимиз, уни баҳолашга ҳаққоний, реалистик ва талабчанлик позициясидан туриб ёндашишимиз лозим. Қилишга муваффақ бўлинган ижобий ишларни мустаҳкамлаш, бу ишларга янада кўпроқ жўшқинлик ва барқарорлик бахш этиш ва айни бир пайтда марказда ҳам, жойларда ҳам амалий фаолият сиёсатида йўл қўйилган камчиликлар натижасида вужудга келган даҳмазалардан қутқариш ҳалос бўлиш учун ҳақиқий манзарани ҳаммасини кўриш муҳимдир.

Ўйлайманки, биз экономикани халқнинг социал эҳтиёжларига буриш реал жараёни бошланганлиги ҳақида гапиришга ҳақлимиз. Кейинги уч йил мобайнида уй-жой қурилишининг ўртача йиллик ҳажми аввалги беш йилликка нисбатан 15 процент кўпайди. Бунинг маъноси шуки, совет кишилари қўшимча 900 мингтага яқин уй-жой олдилар. Ўтган йилда якка тартибда уй-жой қурилишига 1,9 миллиард сўм, яъни 1985 йилга нисбатан 6 баравар кўп кредит ажратилди. Уй-жой қурилиши авж олмоқда.

Мураккаб иқтисодий шароитларда соғлиқни сақлашга қўшимча равишда 6 миллиард сўм ва маорифга 6 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ топиб берилди. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи кўпайтирилди, врачлар ва бошқа медицина ходимларининг иш ҳақини ошириш давом этмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида шу беш йилликда йилига ўрта ҳисобда аввалги беш йилликка нисбатан поликлиникалар 38 процент, мактаблар 37, мактабгача тарбия муассасалари 14, касалхоналар 20, клублар ва маданият уйлари 54 процент кўп ишга туширилди. Қариялар ва инвалидлар учун уч йил давомида интернат-уйлар бутун аввалги беш йиллик мобайнида қурилган миқдорда қурилди.

Сўнгги беш йилликларда биринчи марта халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш сурункасига икки йилдан буён умуман саноатнинг ривожланишидан анча илдамроқ бормоқда. Хизмат соҳаси аввалги йилларга нисбатан икки ҳисса тезроқ, яъни йилига 15 процент кенгаймоқда. Кейинги уч йил ичида 5 миллиондан кўпроқ оила боғ участкалари ва коллектив полизлар учун ер олди.

Қайта қуришнинг дастлабки йилларидаёқ олдимизда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш муаммоси пайдо бўлди. Экономикани ривожлантириш ва одамлар турмушини яхшилашга оид реал режаларни фақат мана шундай негизга қуриш мумкин эди. Ресурслар нақадар етишмаётганига қарамай, ўн иккинчи беш йилликда машинасозлик ва электрониканинг энг устун йўналишларини ривожлантиришга аввалги беш йилдагига қараганда икки баравар кўп капитал маблағ ажратилган эди. Шундай қилиш зарур эди, чунки биз бу соҳада жуда орқада қолган эдик.

Бизнинг янги инвестиция сиёсатимизда социал масалаларни ҳал этишга асосий эътибор берилмоқда. Бироқ келгусида ҳам халқнинг турмушини яхшилаш ресурсларига эга бўлиш учун халқ хўжалигининг фан-техника даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган ишларни бошлаб қўйиш учун ҳам биз вақтни бой бермасликка интиляпмиз.

Биз мана шундай тадбирлардан ҳозирча тўзукроқ реал самара сезганимиз йўқ. Кўпгина халқ депутатлари билан суҳбатларда гап доимо янги техника ва асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, бу эса халқ хўжалигини модернизациялашга халақит берётганлиги мавзуига бориб тақалмоқда. Бироқ ҳар ҳолда машинасозлик маҳсулотини янгилаш суръатлари кучая бошлади. Меҳнат унумдорлиги тезроқ кўтарила бошлади, моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ходимлар сони камая бошлади. Бу ҳам экономикамиз тарихида биринчи бор рўй бермоқда.

Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси нима? Ишларимизни бежаб кўрсатиш, уларни мақташ учун бу ҳақида гапирмаётганимни тушуниб турганларингизлар. Шу залда ўтирганларни ҳам, съездимиз ишини диққат билан кузатиб бораётган миллионмиллион кишиларни ҳам назарда тутганда, бундай қилиш жиддийлик бўлмаган бўлур эди.

Рўй бераётган жараёнларни чуқур таҳлил этиш, оғриқли нуқталарни, вужудга келган ижобий тенденциялар ва жараёнлар йўлида пайдо бўлган ўзига хос кескинлик тугунларини аниқлаш учун шундай қилиш зарур.

Хўш, гап нимада ўзи, қатто қилинган ижобий ишларни ҳам ҳозирча ҳис этмаётганлигимизнинг сабаби нима? Аввало шуки, мамлакатнинг молиявий системаси жуда издан чиққан, истеъмол бозоридаги тартиб бузилган. Турли молларнинг етишмаслиги, баъзи товарлар хусусидаги саросималикнинг одамларни ҳақли равишда жуда норози қилмоқда, жамиятда социал кескинликни келтириб чиқармоқда.

Бунинг сабаблари ҳар хил. Ўтмишнинг оғир мероси ҳам, жаҳон бозорида ёқилғи ва хом ашё нархи пасайиб кетганлиги билан, Чернобиль фожиаси билан, табиий офатлар билан боғлиқ бўлган катта-катта йўқотишлар ҳам шу сабаблар жумласига киради. Бироқ экономикадаги вазият кўп жиҳатдан қайта қуриш йилларининг ўзидаги ўз ҳаракатларимиз билан, баъзан эса ҳаракатсизлигимиз билан боғланганлиги ҳам тўғри.

Гапни давлат ҳамон кўрпага қараб оёқ узатмаётганлигидан бошлаш ўринлидир. Бу беш йилликда бюджет харажатлари миллиард даромадга нисбатан тезроқ кўпайиб бормоқда. Бюджетнинг камомади ошиб бораётганининг сабаби ҳам мана шу. Иқтисодий жиҳатдан бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди ва бунн хўжалик сиёсатидаги янглишиш деб баҳолашдан бошқа илож йўқ. Бундай аҳвол учун биринчи галда СССР Молия министрлиги ва унинг аппарати жавобгардир.

Капитал қурилишда чала ишлар ҳажми, XXVII съезд қарорларида кўзда тутилганидек, қисқариши бир ёқда турсин, балки, аксинча, анча миқдорда, яни 30 миллиард сўмлик ҳажмда ошди. СССР Госплани ҳам, Госстройи ҳам идоралар ва маҳаллий органларнинг қистовига бардош беролмадилар, ҳукумат эса лозим даражада талабчанлик қилмади.

Иқтисодий ислоҳотнинг меҳнат пировард натижаларини меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан мувофиқлаштириш ва боғлаш механизмини вужудга келтириш каби туб масаласи ҳал этилмади, бундай қилмай туриб, иқтисодий соҳада илгари силжиб бўлмайди. Иш ҳақи харажатлари меҳнат унумдорлигига нисбатан анча тезроқ кўпайиб бораётган вазият вужудга келмоқда.

Биз ҳаммамиз одамларнинг яхши иш ҳақи олишлари, уларнинг иш ҳақлари муттасил кўпайиб бориши тарафдоримиз. Аммо бу нарса улар меҳнатининг амалдаги пировард натижалари билан монанд бўлиши керак. Акс ҳолда пул — кўп, мол—оз бўлади. Вазият ҳақиқатан ҳам мураккаб. Умуман, ўртоқлар, бу муаммони ҳал этадиган хўжалик механизмини ишлаб чиқиш билан ҳеч кечиктирмай шуғулланиш керак. Дастлабки қадамлар қўйилди, илк таклифлар берилди. Мен бу муаммонинг шу ерда, съездда билимдонлик билан чуқур муҳокама қилинишидан умидворман.

Хўжасизликдан, меҳнат интизомининг пастлигидан ҳали ҳам кўп зарар кўрилаётганини кўрсатиб ўтмасам, вужудга келган вазиятнинг сабабларини тўла таҳлил қилмаган бўлур эдим. Буларнинг ҳаммаси ҳам янги механизмни ўзлаштиришга алоқадор, албатта. Аммо бу иш ҳам турлича рўй бермоқда: баъзилар хўжалик ҳисоби муносабатлари билан чинакамига шуғуллана бошладилар, бу иш ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижалар бермоқда. Баъзилар эса ҳали ҳам эскичасига яшамоқдалар ва ҳали ҳам бир жойда депсиниб турибдилар. Шу ўринда барча поғоналардаги кадрларнинг масъулияти, уларнинг билимдонлиги, замон талабларига монандлиги масаласи кўндаланг бўлади.

Ҳамма камчиликларимиз, нуқсонларимиз ва кулфатларимиз ҳозирги куннинг асосий муаммоси — бозорнинг мувозанати бузилганлигига бориб тақалмоқда. Бу ҳолат эса экономикада, социал соҳада бошланган ҳозирча ош бўлса ҳам ижобий силжишларни йўққа чиқармоқда. Бу масала сиёсий тус олди.

Бозордаги салбий ҳолатлар кучайиб боришини дарҳол тўхтатиш ва аввало ундаги аҳволни нормаллаштириш — бугунги кундаги энг зарур вазифадир.

Пул даромадларига нисбатан товар фондлари илдамроқ кўпайишини таъминлаш учун **товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни тез кўпайтириш** — бу соҳадаги бош масаладир.

Тўғри, бошқача нуқтан назар ҳам бор. Бу муаммони бозор экономикаси механизмларини тўла жалб этиш орқали ҳал қилиш керак; бозор ҳаммасини ҳал қилиб берсин, деб ҳисобламоқдалар. Биз бу ёндашувга қўшилмаймиз, бундай қилиш бутун социал вазиятни дарҳол портлатиб юборган, мамлакатдаги ҳамма жараёнларни издан чиқарган бўлур эди.

Бу йил товарлар ишлаб чиқаришни 37,5 миллиард сўмликдан зиёд миқдорда кўпайтириш вазифаси қўйилган. Келгуси йилдаёқ вазиятни анча яхшилаш учун, олимлар ва мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, товарлар ишлаб чиқаришни яна 55—60 миллиард сўмгача кўпайтириш керак бўлади.

Шунга мувофиқ равишда тармоқларда ва республикаларда катта иш бошлаб юборилди. Марказ ҳам, жойлар ҳам, меҳнат коллективлари ҳам жуда катта, ҳатто фавқулодда куч-ғайрат сарфлашлари лозим бўлади. Бироқ бу муаммо устидаги иш бизда реал имкониятлар борлигини кўрсатиб турибди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг, қишлоқ хўжалигининггина эмас, экономиканинг барча тармоқларини, шу жумладан оғир саноат ва мудофаа корхоналарининг ҳам имкониятларидан фойдаланиш керак. Хуллас, ҳозир аҳолига керакли бўлган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга мослаштирилиши мумкин бўлган жамики ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш лозим.

Ҳамма имкониятларни ишга солиш, бозорни товарлар билан мўл-кўл таъминлаш хусусида жойлардан кўп таклиф киритилмоқда. Ҳукуматнинг янги состави республикаларнинг иштироки билан бу ишни ниҳоясига етказиши, конкрет ҳаракат планини ишлаб чиқиши ва уни Олий Советга тақдим этиши керак. Оддий моллар-нинг етишмаслигига келганда, чамаси, биз съездда ҳукуматимиздан бу хусусда аниқ жавоб эшитишимиз керак.

Молиявий аҳволни соғломлаштириш ва мамлакатнинг пул оборотини тартибга солиш учун жуда кескин чора-тадбирлар кўрилиши керак, албатта. Бу ўринда

(Давоми 2-бетда).

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ, ҲАРАКАТЛАР БИРЛИГИ

ЎЗТАГ МАХСУС МУХБИРЛАРИ С. ФЕНЮТИН ВА И. ХИСОМОВ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мажлислар ўртасидаги танаффус пайтида депутатларнинг кўпчилиги «Социологик хизмат» сўзлари ёзиб қўйилган столларнинг олдида навбатга туришади. Биз ҳозиргина 28 май куни ЭҲМда ишлаб чиқилган экспресс-ахборотни олдик. Савол-жавобда 1347 депутат, шу жумладан, Ўзбекистон ССРдан борган депутатларнинг ҳаммаси қатнашди.

Социологлар халқ депутатларининг позицияси муаммоларни коллектив идрок этишга, кенг мулоқотга, жипслашишга қаратилганлигини акс эттиради, деган хулосага келдилар. Лекин шунга қарамай, бир қанча масалалар хусусида фикрларнинг муайян қарама-қаршилиги, қарашларнинг тўқнашуви, мунозара сезилиб турибди. Гарчи фикрларнинг нисбати қандайдир белгиланган ва барқарор характерда бўлмаса ҳам, социологлар «Бирмунча туб ўзгаришларни кутаётган ва камроқ қониқиш ҳосил қилаётган группа»ни (25—30 процент чамаси); «Мутаносиб позициялардаги группа»ни (40—55 процент) ва «Нисбатан бирмунча мўътадил ўзгаришлар, анча эҳтиёткорлик билан ёндашувларни кутаётган, кўпроқ даражада қониқиш ҳосил қилаётган группа»ни (15—20 процент) ажратиб кўрсатдилар.

Савол-жавоб шуни кўрсатадики, қарашлар, баҳолар ва таҳминлар халқ депутатларини қизиқтираётган муаммоларнинг камида тўрт группасига ажралади. Шулардан бири мамлакатдаги вазиятга умумий баҳо беришга тааллуқлидир. Аҳоли турмуш даражасининг, тартиб ва қонунчиликнинг ҳолатидан кўпчилик ғоят ташвишланмоқда. Ҳамма учун юқорироқ турмуш даражасига эришиш ҳамда тартиб ва қонунчиликни сақлаш муҳим вазифалар деб айтилган. Демократиялаш жараёнининг

(Давоми 5-бетда).

МОСКВА. СССР халқ депутатлари съезди. Суратда: халқ депутатлари навбатдаги мажлисга бормоқдалар.
ТАСС сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ун биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси 1989 йил 30 июнь куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 29 май.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг хабар қилишича, ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилади:

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил март Пленумининг қарорлари асосида қишлоқни социал ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон ССР совет ва хўжалик органларининг вазифалари тўғрисида.

2. Гражданларнинг жамоат бирлашмалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Қонунининг лойиҳаси ҳақида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ СЪЕЗДИ

СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

мамлакатнинг бутун хўжалик фаолиятига зарур тузатишлар киритмасдан, фавқулодда тежамкорлик бюджетини ишлаб чиқмасдан бошқа илож йўқ. Бу масала юзасидан ҳам съезд ҳукуматга махсус топшириқ бериши кераклиги равшан.

Ниҳоят, биз неча марталаб айтган шартларни писанда қилиб, енгил саноат билан озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун ҳам, бозорни истеъмол моллари билан таъминлаш учун ҳам импортнинг имкониятларини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Марказий Комитет март Пленумининг **аграр сиёсат ва озиқ-овқат муаммоси масалаларига** оид қарорларининг бажарилишини энг муҳим аҳамиятга молик вазифа тарзида таъкидлаб ўтмоқ керак. Бу — умумхалқ кучғайратларини талаб қиладиган ва ҳеч кечиктириб бўлмайдиган иш бўлганлиги учун ҳам, қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, хўжалик юритишнинг янги шароитларига ўтиш зўр қийинчилик билан бораётганлиги, тушунмасликка, кўпинча эса тўғридан-тўғри қаршиликка дуч келаётганлиги учун ҳам шуни таъкидлаш зарур.

Келинглар, давлат аҳамиятига эга бўлган бу масалани март Пленумининг сиёсий йўл-йўриқларини, турмуш эҳтиёжларини эътиборга олиб, яна бир бор муҳокама қилайлик. Биз ҳаммамиз қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш тарафдоридирлар. Марказий Комитетнинг шу масалага бағишланган март Пленуми йўл-йўриқларини жонқуярлик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Аммо шу билан бирга ижарачилар, ана шу қарорларга, ижара ҳақидаги фармонга, ҳукуматнинг тегишли қарорларига қарамай, хўжалик юритишнинг янги формалари секин жорий этилмоқда, ҳар хил бюрократик тўсиқларга дуч келмоқда, демоқдалар.

Ижарачилар маҳаллий органлар колхоз ва совхозларга ҳамон буйруқ беришмоқда, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ва мутахассислари эса, ўз навбатида деҳқонларга, совхоз ходимларига нисбатан ана шундай буйруқ бериш методларидан воз кечишни истамаяптилар, демоқдалар. Кўпчилик ана шундай раҳбарлар ва мутахассислар ишни эскича юритишни афзал кўрмоқдалар, деҳқонлар ва ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олишни истамаётганликларини рўкач қилиб, қишлоқдаги хўжалик ҳисоби муносабатларини кенг йўлга қўйишга халал бермоқдалар. Буни хўжалик ходимлари билан суҳбатлардан бирида мен ҳам эшитганман.

Бу ўринда, чамаси, турлича манфаатлар тўқнашмоқда. Бу хусусда, ўртоқлар, маслаҳатлашиб олинимиз керак. Пленумнинг муҳим қарорлари қоғозда қолиб кетмаслиги, энг асосийси озиқ-овқат етиштиришни яхшилаш учун рўй-рост гаплашиб олишимиз керак.

Марказий Комитет март Пленуми сиёсий йўл-йўриқлари ва қарорларининг моҳияти шундаки, хўжалик юритишнинг янги формалари орқали одамни ерга қайтариш, унинг қўлига ишлаб чиқариш воситаларини бериш, уни ернинг соҳибига айлантириш керак ва шундай қилиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан шахсий манфаатдорликни рағбатлантириш, моддий манфаатдорликни кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, биринчи навбатда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқда савдони, уй-жой қурилишини, коммунал хўжаликни, бутун инфраструктурани, айниқса йўлларни ривожлантириш зарурлигини таъкидламоқчиман. Мамлакатнинг барча регионларидаги қишлоқ аҳолиси газлаштириш масаласини ўткир масала қилиб қўймоқда. Жуда катта имкониятларга эга бўла туриб, биз ана шу масалаларни ҳал этишдан ўзимизни четга олишга ҳаққимиз йўқ.

Аграр сектордан вакил бўлиб келган СССР халқ депутатлари қишлоқ учун техника ва ўғитлар ишлаб чиқараётган министрликлар ва идоралар ўз ишларини ниҳоятда сусткашлик билан қайта қуришаётганини айтмоқдалар. Биз бу масалани ўрганиб чиқишимиз керак. Бир жиҳатдан мамлакатда техника кўп ишлаб чиқарилмоқда, иккинчи жиҳатдан эса, техника етишмаяпти, деб айюханнос солишмоқда. Демак, зарур техника чиқарилмаётган эканда. Келинглар ниҳоят, шу яқин йиллардаёқ барча регионлардаги колхозлар ва совхозларга, ижарачиларга, шахсий ёрдамчи хўжаликларга зарур бўлган машиналар системасини ишлаб чиқаришни ташкил этиб, программаларимизга зарур тузатишлар киритайлик. Яна шуниси ҳам муҳимки — арзонроқ машиналар ишлаб чиқаришни кўзда тутайлик. Аграр сектор вакиллари техника сифат жиҳатидан, унумдорлик жиҳатидан унча ўзгармаган бўлса ҳам, машинасозлар унинг нархини ҳаддан ташқари ошириб юборганликларини айтмоқдалар.

Бўлажак даврда социал сиёсатнинг бошқа нуфузлари хусусида ҳам маслаҳатлашиб олишимиз зарур, ўртоқлар. Аҳолининг **даромади кам бўлган қисми** — пенсионерлар, кўп болали оилалар, етимлар ва инвалидлар **турмуш даражасининг оширилиши** тўғрисидаги масалани олдинги ўринлардан бирига қўйишимиз керак.

Мазкур муаммо ҳозирги шароитда жуда катта социал-сиёсий аҳамиятга молиқдир. Бу ўринда гап 40 миллиондан кўпроқ кам даромадли кишилар ҳақида бормоқда. Молиявий аҳвол мушкул бўлиб турган ҳозирги вақтда уни ҳал этиш нечоғлик қийин бўлмасин, иложи борича тезроқ бу масалани ҳал этиш керак. Шу йўналишдаги энг муҳим тадбирлар орасида пенсиялар тўғрисидаги янги қонунни жорий этиш тадбири ҳам бор, бу қонун лойиҳасини қўҳумат тайёрламоқда. Лойиҳа СССР Олий Советига тақдим этилади ва умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Шу қадар муҳим қонун кейинчалик съездда қабул қилиниши лозим, деб ўйлайман.

Медицина хизмати сифати ҳар бир кишининг манфаатига дахлдор. Миллатнинг сиҳат-саломатлиги — барча ишларда муваффақиятга эришувнинг энг муҳим шартидир. Бутун мамлакатда замонавий ускуналар билан жиҳозланган шифохоналар ва поликлиникалар тармоғини бунёд этиш, аҳолини дори-дармондар билан таъминлаш муаммосини узил-кесил ҳал этиш учун қуч-ғайратимизни аямай сарфлайлик, ўртоқлар.

Қанчалиқ оғир бўлмасин, бу мақсадлар учун маблағ топиб келдик ва бундан буён ҳам топамиз. Аммо, ана шу маблағларни ўзлаштириш иши ҳозирча ниҳоятда қониқарсиздир. Биз мамлакатда замонавий соғлиқни сақлаш базасини яратиш ишини эндигина чинакамига авж олдирямиз. Бу ишда қурувчиларнинг, менимча, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳам айби бор. Яна бир масалани ҳам тилга олмоқчиман. Туб иқтисодий ислоҳот муносабати билан корхоналар ва бошқарувнинг маҳаллий органларида молиявий ва моддий ресурслар тўпланиб қолмоқда. Назаримда, аҳолига медицина хизмати кўрсатиш базасини кенгайтириш учун меҳнат коллективлари ўз кучғайратларини бирлаштиришлари мумкин бўлур эди.

Ана шу масалаларнинг ҳаммаси депутатларнинг қатъиқ назорати остига олиниши лозим.

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш **табиий муҳитни муҳофаза этишга** ёки бошқача айтганимизда, экологик хавфсизликка **алоҳида эътибор** беришни талаб этади. Бу соҳадаги аҳвол, юмшоқроқ қилиб айтганимизда, таҳликали бўлиб турибди. Мамлакатдаги юздан ортиқ шаҳарда ҳаводаги зарарли чиқиндилар миқдори йўл қўйиш мумкин бўлган нормалардан юқоридир. Сув ресурсларини, дарёлар, ўрмонларни муҳофаза қилиш, табиий қазилмалардан фойдаланиш соҳасида оғир вазият вужудга келди, ерларни, ҳатто суғориладиган ерларни сақлаш муаммоси ҳамма жойда ўткир бўлиб турибди. Зудлик билан ҳаракат қилиш керак.

Биз бу ўринда икки йўлдан боришимиз керак. Биринчидан, ҳозиргача тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ-равшан программага эга бўлишимиз керак. Бу саноат, қишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, ўрмонлар, хуллас, одам яшайдиган барча муҳитга тааллуқлидир. Менимча, бу хусусда миллий программани ишлаб чиқиш чўзилиб кетмоқда. Биз съездда бу ишни жадаллаштириш лозим бўлган кишиларга ниҳоятда аниқ талабларни айтишимиз керак.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, бу ишга ажратилаётган маблағлар тўла ўзлаштирилиши муҳимдир. Мана биз жуда кўп муаммолар тўпланиб қолди, бу муаммоларни ҳам уй-жой, озиқ-овқат, товарлар масалалари каби сира кечиктирмай ҳал қилиш лозим, демоқдамиз. Бу тўғри гап. Агар биз ўзимиз яшайдиган муҳит билан ҳозирдан шуғулланмасак, бошимизга кулфат орттиришимиз мумкин. Бундай кулфат остонага келиб қолди, айтиш мумкинки, биз у билан тўқнашиб қолдик. Бу аҳволга бир қаранг: табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига ҳозирча кам ресурслар ажратилмоқда, бундай ресурслар йил сайин кўпайтирилаётган бўлса ҳам кам ажратилмоқда, бунинг устига уларнинг ярмидан камроғидан фойдаланилмоқда. Шундай қилиб, ўртоқлар бу масалаларни фақат таниқид нуқтаи назаридан ўртага қўймай, конкрет ишлар билан ҳам шуғулланайлик, уларни амалда ҳал қилайлик. Ишчанлик ва талабчанлик кўпроқ бўлсин.

Иккинчи муҳим йўналиш тўғрисида. Ишни ҳар қандай лойиҳа ва илмий-техникавий ечим экологик хавфсизликни таъминлайдиган қилиб йўлга қўйиш лозим. Бунинг учун уларнинг экологик жиҳатдан софлиги қаттиқ текширишдан ўтказилиши керак. Биз эса қурилишни арзонлаштириш учун экология хавфсизлиги жиҳатидан яроқсиз лойиҳаларни ўтказишга уринмоқдамиз. Мен Комсомольск-Амурдан сайланган депутатлардан бири билан суҳбатлашдим, бир вақтлар ўша ерда бўлган эдим. Ў ерда меҳнаткашлар бу ўлкага мебелни марказдан олиб келишга тўғри келмоқда, деб шикоят қилишди. Ўша вақтдаги министр ўртоқ Белоусов шу ерда 20 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқариш имконияти бор деган эди. Бу яхши иш. Бу ишга киришиб, чет элдан ускуналар сотиб олишди, аммо ускуналарнинг экология билан боғлиқ қисмини олишмади. Бундай тежамкорлик кимга керак? Ҳозироқ бу хусусда Комсомольск-Амурда митинглар бўлмоқда. Умуман, такрор айтаманки, барча лойиҳаларнинг экологик жиҳатдан софлиги қаттиқ текширишдан ўтиши керак.

Сизларга маълумки, сайловолди кампанияси чоғида бир қанча каналлар, атом станциялари, химия корхоналари қурилиши масалалари экология хавфсизлиги нуқтаи назаридан ўткир муҳокама қилинди. Ҳозир ҳам съезд Президиумига ана шундай хатлар тушмоқда. Чамаси СССР Олий Совети, унинг тегишли комиссиялари бу масалаларни дарҳол пухта кўриб чиқиш ва ҳал қилишга киришишлари лозим. Бунда экология талаблари ҳам, экономикамизни янада ривожлантириш манфаатлари ҳам эътиборга олиниши керак, бусиз халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириб бўлмайди.

Социал масалаларнинг кўриб чиқилиши муносабати билан съезд партия XXVII съезднинг **уй-жой муаммосини ҳал қилишга** — 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш тўғрисидаги сиёсий кўрсатмасини тасдиқлайди, деб ишонч билдирмоқчиман. Бу жуда мураккаб вазифа, аммо, ўртоқлар, уни ҳал қилиш лозим. Мен мамлакатнинг барча регионларида меҳнаткашлар билан учрашиб, масаланинг шу тарзда қўйилиши асосли эканлигига янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдим. Очиғини айтаман, биринчи бўлиб суҳбатларда озиқ-овқат тўғрисида эмас, товарлар ҳақида эмас, балки уй-жой ҳақида саволлар берилади. Биз бу муаммо шаҳар ва қишлоқлардаги миллионлаб одамлар учун жуда ўткир эканлигини ҳисобга олиб, белгиланган планларни қайта кўриб чиқишимизга ва уй-жой қурилиши кўламларини кенгайтириш учун янги имкониятларни қидириб топишимизга тўғри келадиганга ўхшайди.

Ҳамонки, халқ кўз ўнгида зиммамизга шундай масъулият олган эканмиз, субутсиз бўлиб қолмаслик мақсадида биз муаммонинг албатта ҳал этилишига эришиш учун вазиятни ўрганиб чиқиш ва қандай юмушларни адо этиш ҳақида топшириқ бердик. Ўн биринчи беш йилликда 550 миллион квадрат метр уй-жой қурилганини эслатиб ўтмоқчиман. Ўн иккинчи беш йилликда уй-жой қурилишини 650 миллион квадрат метрга етказиш вазифаси қўйилади. Биз бу вазифани бажарамиз, бу кўриниб турибди. Ўн учинчи беш йиллик режаларида уй-жой қурилиши ҳажмини 820 миллион квадрат метрга етказиш вазифаси қўйилган эди, эндиликда, 900 миллион квадрат метрлик маррага ва ўн тўртинчи беш йилликда 1 миллиард квадрат метрлик маррага чиқиш лозим бўлади, чоғи, ана ўшанда қўйилган вазифани бажариш реал, деб ишонч билан айтиш мумкин бўлади.

Бунинг учун барча резервларни, корхоналар, якка тартибда ва кооператив усулда уй-жой қурувчиларнинг барча имкониятларини ишга солиш лозим бўлади, албатта. Ташаббуслар етарли, одамлар уй-жой қуришни истаяптилар. Аммо ҳозир қурилиш материаллари, сантехника, шинам уй-жой қуриш учун зарур бўладиган бошқа нарсалар етишмай турганлиги бунга ҳалақит бермоқда. Шу хусусда жойлардан шикоятлар келиб турибди. Бу ўринда гап фақат марказда қабул қилиниши лозим бўлган тадбирлар ҳақидагина бораётгани йўқ. Бу тадбирлар планларимизда, албатта, акс этиши керак. Уй-жой қурилиши вазифаларини ҳал этиш учун эл-юрт баб-баравага кўтарилиши, барча маҳаллий резервлардан фойдаланиш лозим. Мен, бу — ҳокимиятнинг республика органлари ва маҳаллий органларининг, улар хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир, деган бўлур эдим.

Мунозаралар чоғида биз бу мавзу муҳокамасини чуқурлаштирамиз ва съезд Олий Совет ва янги ҳукуматга махсус топшириқ беради, деб умид қиламан.

Ўртоқлар! Башарти социал сиёсат жамиятдаги турли табақаларнинг манфаатларига мувофиқ бўлмаса, бундай сиёсат самарали бўла олмайди, жамиятимиз эндигина турмушга мустақил қадам қўйиб келаётган **янги авлодлар учун яхши дастлабки шарт-шароитлар яратилишидан**, бу авлодлар ўзларининг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришлари, йигит-қизлар ўз куч-ғайратларини намойиш этишлари, уларнинг давлат ишларида фаол қатнашишлари учун барча нарсалар муҳайё қилинишидан астойдил манфаатдордир. Бу соҳада бир талай муаммолар тўпланиб қолган.

Сизларга маълумки, ВЛКСМ Марказий Комитети ёшлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлади ва қонун лойиҳасини таклиф этиш ташаббуси тартибида уни СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этди. Аммо иш, гарчи жуда яхши бўлса ҳам, битта қонуннинг қабул қилинишидангина иборат эмас, албатта. Ёш авлодни тайёрлаш, унинг катта ҳаётга нормал қўшилиши учун зарур социал ва бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш масалаларига ҳамма жойда зўр эътибор берилиши керак. Бу соҳада катта доимий иш қилиниши талаб этилади. Биз мамлакат ёшларига нисбатан социал сиёсат масалаларини муҳокама қилишга ёш депутатлар ва албатта, барча халқ депутатлари ҳам амалий ҳисса қўшишларидан умидворамиз.

Биз **хотин-қизлар дуч** келаётган кўпдан-кўп **ўткир муаммоларни** ҳал этишга дарҳол киришмоғимиз керак. Бу ўринда оналик тўғрисида ғамхўрлик, аёллар меҳнати ва соғлиғини муҳофаза қилиш, рўзғор ва турмуш ташвишларини енгиллаштириш сингари ишларни қамраб оладиган тадбирларнинг яхлит системаси ҳам зарур. Бу хусусда сайловчилар сайлов кампанияси давомида жуда кўп гапиришди, бу масалаларр барча халқ депутатларининг программасига кенг миқёсда киритилди. Улар жуда синчиклаб ва батафсил кўриб чиқилиши, бунда албатта, имкониятларимиз эътиборга олиниши лозим. Буларнинг ҳаммаси — катта масалалар. Биз жузъий масалаларни ҳал этиш билан чекланмай, комплекс ёндашув асосида мазкур муаммоларни кўриб чиқишимиз лозим бўлади.

Олий Советда ана шу масалаларнинг ҳаммасини пухта ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган доимий комиссиялар бўлиши лозим, чоғи. Эҳтимол, комитет керакдир, маслаҳатлашиб кўриш керак. Умуман Олий Советга ва съездга жиддий таклифлар тайёрлайдиган структуралар барпо этилиши лозим.

Уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида, Ватан урушида Ватанимизнинг мустақиллигини ҳимоя қилган, оғир йилларда мамлакат экономикасини тиклаган, унинг саноат қудратини мустаҳкамлаган кишилар тўғрисида, ҳозир нимагаки эга бўлсак, шуларни муҳайё этган кишилар тўғрисида **доимо ғамхўрлик қилиш** — бизнинг маънавий бурчимиз ва мажбуриятимиздир.

Халқ депутатлари орасида бизнинг кекса ўртоқларимиз бор. Улар ветеранларнинг орзу-умидлари ва эҳтиёжларини ҳаммадан кўра яхшироқ биладилар. Биз уларнинг сўзларига қулоқ солишимиз, ҳозир ҳаёт ўртага қўяётган масалаларни адолатли ҳал этишимиз керак.

Мен бу ўринда бир масала хусусида гапирмоқчи эдим, ўртоқлар. Тирикчиликка оид жуда кўп оддий масалалар борки, булар сира хархашасиз ва юқоридан кўрсатмалар кутиб ўтирмай, маҳаллий органлар, нари борса республика органлари томонидан ҳал этилиши керак. Бу хусусда халқ депутатлари съездининг кўрсатмаларини кутиб ўтирмай масалани ҳал қилиш керак.

Афғон урушининг инвалидларига, шу урушнинг барча қатнашчиларига жуда сезгирлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини алоҳида таъкидлашим керак.

Мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиёти муаммоларини ҳал этар эканмиз, биз **социал адолат принципини изчиллик билан амалга оширишга** суянишимиз керак. Шундай принципни эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас — тараққиётимиз йўлидаги асосий тўсиқ бўлган текисчиликни, жуда чуқур илдиз отган тайёрга айёрлик психологиясини бартараф этишга имкон берадиган социал ва иқтисодий механизмларни ҳам ҳаракатга келтиришимиз керак.

Мен илгарироқ съездда **социал имтиёзлар ва енгилликлар** муаммосини тилга олган эдим. Айтилганларга қўйидагиларни қўшимча қилмоқчиман. Пенсиялар ёки отпускалар, соғлиқни сақлаш ёки уй-жойни табақалаштириш бўлмасин, аҳолининг турли социал группалари, ёш ва профессионал группаларининг ва территорияларнинг, шунингдек турли идораларнинг моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланиши бўлмасин — мана шу соҳаларнинг ҳаммасида имтиёзлар системаси неча ўн йиллар мобайнида таркиб топган эди. Энди бу масалаларга, бир томондан истеъдод ва юксак унумли меҳнатни рағбатлантириб, иккинчи томондан эса имтиёз ва енгилликларга муҳтож бўлган аҳоли группаларига ёрдам беришни назарда тутиб ёндашиш лозим бўлади, чамаси. Бу соҳада қонун-қоидаларнинг ҳар қандай бузилиши, айниқса суиистеъмол қилишлар қатъий истисно этилиши керак, албатта.

Шу муносабат билан таклиф айтмоқчиман — СССР Олий Советининг махсус комиссиясига ана шу мезонлар асосида барча имтиёзлар ва енгилликларнинг ўзига хос «тафтиш»ини ўтказиш ҳамда тегишли таклифларни тақдим этиш топширилиши керак. (**Қарсаклар**). Менинг бу имтиёзлар қандай вужудга келгани ва улар қандайлигини тушунишга биринчи уринишим бу муаммони асосли равишда кўриб чиқиш заруратига дуч келди.

Биз, депутат ўртоқлар, социал соҳада кўп муаммолар тўпланиб қолганлигини кўриб турибмиз. Шу боисдан ҳам у ёки бу эҳтиёжларни қондириш тўғрисида турли жойлардан илтимос ва истаклар тушиб турибди. Аммо, равшанки, буларнинг ҳаммасини реал имкониятларимиз билан чамалаб кўриш керак.

Қандай масалалар хусусида ўйлаб кўриш лозим? Аввало — **жуда ҳаётий муаммоларни ҳал этиш манфаатларини кўзлаб, мавжуд ресурсларни** қайта тақсимлаш тўғрисида ўйлашимиз лозим.

Мамлакатнинг инвестиция комплексидаги ишлари аҳволини яхшилаш, **ишлаб чиқариш қурилишига сарфланадиган капитал маблағлар ҳажмларини кескин қисқартириш** эвазига анчагина ресурсларни бўшатиб олиш мумкин. Шу қисқартириш хусусида жуда оз миқдордан тортиб неча ўнлаб процентгача, яъни турли рақамларни тилга олмоқдалар. Айтмоқчи, бу соҳада дастлабки ишлар қилинди. Янгидан тузилган ҳукумат ана шу масала хусусида СССР Олий Советига ўз таклифларини тақдим этиши мақсадга мувофиқдир.

Бу таклифлар мутахассислар, ишлаб чиқариш ходимлари, олимларни жалб этиб, комиссияларда синчиклаб ўрганиб чиқилиши ва шу асосда капитал қурилиш программасига тегишли тузатишлар киритилиши мумкин бўлур эди. Бизнинг қийин, лекин зарур қарорлар қабул қилишимизга, нималарнидир тўхтатиб қўйишимизга, нималардандир воз кечишимизга тўғри келмоқда.

Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ мен қуйидаги мулоҳазани айтмоқчиман. Капитал қурилиш ҳажмлари мавжуд қувватлар, моддий ва меҳнат ресурсларига мос бўлиши тўғрисидаги қоидага биз қатъий амал қилишимиз керак. Шундай қилсаккина, биз қурилиш васвасасига барҳам беришимиз, қурилиш идоралари ва ташкилотларининг ҳукм ўтказиши ва масъулиятсизлигига барҳам беришимиз мумкин.

Ҳарбий харажатларни камайтириш, мудофаа тармоқларининг қудратли потенциалидан халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишга алоқадор бўлган конверсияни таъминлаш социал программаларни амалга оширишдаги ресурс манбаларидан яна биридир.

Жуда оғир урушни бошидан кечирган халқимиз учун ишончли мудофаа ҳаётий аҳамиятга молик вазифа эди ва шундай вазифа бўлиб қолмоқда, шунингдек Совет Армиямиз тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиб келдик, бундан буён ҳам ана шундай ғамхўрлик қилаверамиз. Лекин, ҳозирги дунёда хавфсизликни сиёсий ва дипломатик воситалар билан таъминлаш имкониятлари кўпайяпмоқда. Бу мамлакат мудофаа қобилиятига путур етказмай, СССР Қуролли Кучларига янги сифат бахш этиш асосида ҳарбий харажатларни қисқартириш имконини беради.

1987—88 йилларда ҳарбий харажатлар кўпайтирилмади. Бу эса бюджетда беш йилликда кўзда тутилганига нисбатан 10 миллиард сўмни тежашга имкон берди. 1989 йилда ҳарбий харажатлар 77,3 миллиард сўмни ташкил этади, мен съездга реал рақамларни айтяпман. 1990—91 йилларда ҳарбий харажатларни яна 10 миллиард сўм яъни 14 процент камайтириш таклиф қилинмоқда. Олий Советда ички эҳтиёжларни ва мамлакатнинг ишончли мудофаа этилишини таъминлаш вазифаларини ҳисобга олиб, ана шу мураккаб масалалар комплексини янада пухта ишлаб чиқиш билан шуғулланиш лозим. (**Қарсаклар**).

Қосмиқ программалар харажатлари ҳозироқ қисман камайтирилди. Бу харажатлар унча кўп эмас. Кейин конкрет ишлаб чиқиш чоғида бу харажатлар билан таниша оласиз. Шу йўналишда бундан буёнги имкониятларни ҳам қидириб топиш керак. Аммо бунда энг янги космик ечимлар туфайли биз ноёб технологияларга эга бўлаётганимизни ҳисобга олиш лозим. «Бўрон» лойиҳасига тааллуқли энг янги ечимлар халқ хўжалигига татбиқ этиладиган бўлса ва экспортда фойдаланилса, анча самара бериши мумкинлигини айтиш кифоя. Гап миллион сўмлар самара олиш тўғрисида бормоқда. Мудофаа кенгашида шу хусусда икки жилддан иборат таклифлар бор, бу таклифлар халқ хўжалигидаги ўнлаб корхоналарга, ташкилотларга юборилди. Ана шундай қилганимиздагина космосни ўзлаштириш билан боғлиқ харажатларимиз ўзини оқлай олади. Мудофаа саноати корхоналарида ишлаб чиқилган ноёб технологиялардан халқ хўжалигида фойдаланиш жуда катта имкониятлар беради. Ҳозир «ножўя сир» деб аталган сир тутишларга барҳам бериш учун барча шароитлар яратилган.

Бошқарув харажатларини камайтириш замирида социал соҳа манфаатларини кўзлаб ресурсларни қайта тақсимлаш учун жуда катта имкониятлар бор. Хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитлари бошқарув системасини тубдан қайта қуриш йўлидан боришга имкон беради.

Бу масала ҳам Олий Советда синчковлик билан ўрганилиши керак ва бунинг боиси қуйидагилардан иборат: сўнгги йилларда бошқарувнинг юқори бўғинида катта ўзгаришлар бўлди ва янги ўзгаришлар кўзда тутилмоқда. Ҳукумат бу ҳақда ҳисобот беради. Жойлардаги, айниқса бирлашмалар ва корхоналардаги бошқарув структуралари ҳақида гапирадиган бир қанча ўзаро боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни жадаллаштириш зарур. Бунинг устига ана шу тадбирларнинг кўпи ўн учинчи беш йиллик плани кучга кирмай туриб амалга оширилиши лозим.

Яна бир масала тўғрисида, ўртоқлар. Социалистик мулк муносабатларини тубдан ўзгартирмай, ўнинг турли формаларини ривожлантирмай ва бир-бирига боғлаб олиб бормай туриб иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш мутлақо мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи ишончли тарзда кўрсатиб берди. Биз — мулкнинг ҳар бир формаси ўзининг ҳаётий кучини ва яшаш ҳуқуқини жонли мусобақада, адолатли беллашувда исботлаб бериши учун ижтимоий бойликдан фойдаланиш юзасидан пухта системалар ва самарали муносабатларни барпо этиш тарафдоримиз. Бунда фақат бир нарсани — эксплуатацияга йўл қўймасликни, ходимни ишлаб чиқариш воситасидан бегоналаштиришга йўл қўймасликни шарт қилиб қўйиш лозим.

Иқтисодий ислоҳотнинг яна бир ҳал қилувчи йўналиши — тўла маънодаги социалистик бозорнинг вужудга келиши мулкка ана шундай ёндашув билан узвий боғлиқдир. Равшанки, бозор ҳамма нарсани ҳал қилмайди. Лекин инсоният хўжалик юритишнинг бошқа, тағин ҳам самаралироқ ва демократик механизмини ишлаб чиққан эмас. Социалистик бозорсиз социалистик планли экономика ўз вазифаларини уддалай олмайди, ўртоқлар. Буни тан олиш керак.

Биз ислоҳот чуқурлашган сари хўжаликда муносабатларнинг ҳуқуқий экономика деб айтиш мумкин бўлган системаси шакллана боради, деб ҳисоблаймиз. Ҳуқуқий экономика маъмурий фармойишларга, буйруқларга асосланмайди. Балки қонун тартибга солиб турадиган муносабатларга асосланади. Экономикага давлат раҳбарлиги билан хўжалик бошқаруви бир-биридан аниқ-равшан ажралади.

Корхоналар, концернлар, акционерлик жамиятлари, кооперативлар экономикада асосий ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб қолиши лозим. Умумий вазифаларни ҳал қилиш ва куч-ғайратларни мувофиқлаштириб бориш учун чамаси улар ихтиёрийлик асосида бирлашмалар, иттифоқлар ва уюшмалар тузиш йўлидан борадилар, ҳозир министрликлар бажараётган хўжаликни бошқариш вазифалари ана шу бирлашмалар, иттифоқлар ва уюшмалар зиммасига ўтади. Бундай ёндашувнинг адолатли эканлигига тажрибамиз ҳам, экономика тараққиётидаги умумжаҳон тенденциялари ҳам ишонтирмоқда.

Агар буни биз министрликлар билан хўжалик бошқарувини — давлат раҳбарлиги билан чалкаштирмасак, бундай ёндашув давлат ролининг пасайишини билдирмайди. Давлат раҳбарлиги хўжалик бўлинмаларини оператив бошқариш ишига бевосита аралашиш вазифасидан халос бўлади ва бутун эътиборни уларнинг фаолияти учун умумий норматив доиралар ва шароит яратишга қаратади. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари, инфраструктура, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одамларнинг социал жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш устидан назорат қилиб бориш, молиявий система, жумладан унинг солиқ воситалари, хўжаликка оид қонунлар, шу жумладан хўжаликнинг монополияга айланишига ҳамда унинг жамият учун салбий оқибатларига қарши қаратилган қонунлар давлат раҳбарлигининг табиий фаолият соҳаси бўлиб қолаверади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги ва кооперация ҳақидаги қонунларни қабул қилиб, биз ана шундай экономика сари муҳим, дастлабки қадамни қўйдик. Аммо бу қонунларнинг ўзи ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Бу хусусда жамиятда катта баҳс бормоқда. Экономикининг турли секторларига тааллуқли бўлган корхоналар тенгсиз шароитда ишлаётганлиги ҳақида жуда кўп танқидий мулоҳазалар айтилмоқда. Шу муносабат билан олимлар, хўжалик ходимлари, меҳнаткашларнинг кенг табақалари

(Давоми 3-бетда).

СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

корхоналар фаолиятининг ягона иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани тобора қатъий қилиб қўймоқдалар. Менинг депутатлар билан суҳбатларимда шу фикр таъкидланди. Менинг назаримда, бу масала жуда катта аҳамиятга эга ва съезд бунга катта эътибор берса арзийди.

Кўриб турибсизки, ўртоқлар, ислоҳотни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш муаммолари бизнинг бундан буёнги фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин тутади. Чамаси, Олий Советда ҳам тегишли структура ва механизмларни кўриб чиқиш лозим.

Ҳукуматда ҳам ислоҳот юзасидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарларидан бирининг бошчилигида махсус мувофиқлаштирувчи орган тузиш учун жиддий асослар бор.

II.

Депутат ўртоқлар! Мамлакатда **давлат ва жамоат турмушини демократиялаш** кенг авж олдирилганлиги қайта қуришнинг энг катта ғалабасидир, деб тўла асос билан қайд эта оламиз — бундай фикр шу ерда ҳам айтилди. СССР халқ депутатларига бўлиб ўтган сайлов, съездимизнинг иши, съезд ўтаётган муҳит — бунинг яққол далилидир.

Аввалбошданоқ биз масалани шу тарзда қўйдик: агар мазмунан революцион бу жараёнларга аввалбошданоқ жамиятнинг барча қатламлари, бутун халқ жалб этилмаса, жамият турмушини тубдан янгилашнинг ҳар қандай режалари барбод бўлишга маҳкумдир. Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумидан бошлаб, бизнинг барча қарорларимизга ана шу асос қилиб олинди ва бу XIX партия конференцияси қарорларида кенг асослаб берилди, конференция туб иқтисодий ислоҳотни ўтказиш ва социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни қайта қуришнинг стратегик йўналишларидан бири, деб ҳисоблади.

Эндиликда биз ислоҳотнинг дастлабки босқичи вазифаларини амалга ошириш вужудга келтирган жуда катта имкониятлардан фойдаланиб, олға боравершимиз мумкин. Мен ушбу съезднинг чақирилишини ва ҳокимиятнинг янги олий органлари тузилишини кўзда тутяпман.

Фаолиятнинг аниқ-равшан программаси ана шу масалаларнинг ҳаммаси шу ерда, съездда, Олий Советнинг, унинг палаталарининг мажлисларида, янгидан тузилган комитетлар ва комиссияларнинг мажлисларида муҳокама қилинганидан кейин аниқлаб олинади. Шу сабабли менимча жамиятимизни янада демократиялаш учун принципиал аҳамиятга эга бўлган баъзи масалаларга тўхталиб ўтишга рухсат берсангиз.

Аввало бу — **биз янгидан ўртага ташлаган «Ҳокимият Советларга!»** тарихий шиорини амалга оширишдир. Ваколатли органларни қайтадан тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва ваколатларини Конституцияга мувофиқ ҳар томонлама кенгайтириш, аппаратни уларга ҳеч сўзсиз бўйсундириш — амалий ҳокимият ва бошқарув дастакларини Советларга қайтариб беришнинг биринчи шартидир. Бу ерда кўп кишилар шу фикрни айтишди, биз съездимизнинг якунловчи ҳужжатларида шуни қайд этишимиз керак.

Партия ва давлат органларининг вазифаларин аниқ белгилаб қўйиш — мана шу шартларнинг яна биттасидир. Партия ташкилотлари совет органларининг вазифаси билан шуғулланадиган, аслида хўжаликни, қолаверса турмушнинг бошқа ҳамма соҳаларини бевосита бошқариш вазифаларини бажарадиган тартибни партия қатъиян қоралади. Партия комитетлари ўзларига хос бўлмаган вазифаларни зиммаларига олиб, жамият тараққиёти қандай бораётганлигини танқидий баҳолаш ва унинг авангард кучи ролини бажариш қобилиятидан маҳрум бўлиб қолдилар.

Коммунистик партия қайта қуришнинг ташаббускори ва асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқар экан, ҳозир мана шу революцион жараённинг, уни ҳам консерватив, ҳам ўта сўл унсурлар тажовузларидан ҳимоя қилишнинг кафили бўлиб турибди. Айни Коммунистик партия бирлаштирувчи куч ролини бажаришга қодирдир, шундай бўлмаса социализмни янгилаш ишини муваффақиятли равишда ниҳоясига етказиб бўлмайди. **(Қарсаклар).**

Чуқур демократик асосларга таянган қайта қуриш партиянинг ролини, унинг давлат билан, жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларини ўзгартиради. Асосий социал группаларнинг, аҳоли табақаларининг, бутун халқнинг манфаатларини ифодалаш ва уйғунлаштириш, жамият сиёсий системасининг барча бўғинлари фаолиятини жипслаштиришни таъминлаш — ҳозир партия учун энг муҳим вазифадир.

Партия барча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларига мулоқот ва ҳамкорликни таклиф этади, уларни қайта қуриш ва жамиятни янгилаш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга даъват этади.

Республикалар, ўлкалар ва областларда, шаҳарлар ва районларда ҳокимият ва бошқарув органларининг янги структураларини тузиш — иқтисодий ислоҳот иккинчи босқичининг бош масаласидир. Бу эса энг аввало бўлиб ўтган сайлов кампанияси якунлари ва саботларини ҳисобга олиб, сайлов системасига зарур ўзгартишлар киритишни талаб қилади. Бу ишга дарҳол киришиш керак, чунки бу ерда сўзга чиққан халқ депутатларининг ҳаммаси бу ишларни дарҳол бошлаб юборишни ёқлаганликларини тушунаман.

Натижада биз ўтган сайловнинг демократик характерини таъминлаган барча яхши жиҳатларни ўз ичига олган ва албатта, аниқланган камчиликларни бартараф этган сайлов қонунига эга бўлишимиз лозим.

Яна бир муҳим масала. Янги ваколатли органлар фақат тўла маънода юридик ваколатгагина эмас, ҳокимиятнинг реал воситаларига ҳам эга бўлиши лозим. Бунинг учун эса Олий Совет дарҳол республика хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш тўғрисидаги, ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжалик ҳақидаги қонунларни тайёрлашга киришмоғи керак. Чамаси комиссиялар ва палаталарнинг ишини ана шу муҳим ҳужжатлар халқ депутатларининг иккинчи съездида муҳокама этиш ва қабул қилиш учун тайёр бўладиган тарзда ташкил этиш лозим бўлади.

Гап федератив давлат структурасига, маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларига, бутун сиёсий системамизда ўзини ўзи бошқариш асосларини кенгайтиришга тааллуқли принципиал масалалар тўғрисида бормоқда. Бу қонунлар ишлаб чиқилмаса ва қабул этилмаса, «Бутун ҳокимият — Советларга!» шиори ҳавои бир нарса бўлиб қолади, шунчаки шиор, даъват бўлиб қолаверади. **(Қарсаклар).**

Чамаси, халқ депутатлари шу съезднинг ўзида ҳам бу хусусда ўз фикрларини айтишлари мумкин. Бу эса ҳужжатлар устида бундан кейин қилинадиган ишларга қимматли ҳисса бўлиб қўшилади.

Республика Советлари ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказиш муддатлари тўғрисидаги масалани ҳам ана шундай ёндашувдан келиб чиқиб ҳал қилмоқ керак. Эсингизда бўлса керак, бундай сайловларни шу йил кузда ўтказмоқчи бўлган эдик. Ҳар ҳолда XIX партия конференциясида бўлажак сиёсий ислоҳот масалаларини муҳокама қилаётганимизда ана шундай фикрга асосланган эдик.

Бироқ биз ҳамма нарсани чамалай олмадик, ҳамма нарсани олдиндан кўра билмадик, назаримда. Сиёсий ислоҳотнинг реал жараёнлари шундай хулосага олиб келмоқдаки, сайлов ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш, сайловга пухта тайёргарлик кўриш тағин ҳам кўпроқ ишларни амалга оширишни талаб қилади. Бу ишларни ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаш керак. Бироқ чамаси, республика ва маҳаллий Советларга тааллуқли қонунларни фақат кузда иккинчи съездда қабул қила оламиз.

Шуни айтишим керакки, партия ва совет органларидан сайловни Конституцияда кўзда тутилган муддатларда, яъни келгуси йил баҳорида, ҳозир ишлаб турган Советларнинг ваколати тугаётган пайтда ўтказиш ҳақида таклифлар тушмоқда.

Сиёсий ислоҳотнинг биринчи босқичи каби навбатдаги босқичларда қилинадиган ишларнинг ҳаммаси **социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш** йўлидан ҳаракат қилишни билдиради. Аммо бундай давлатни барпо этиш билан боғлиқ вазифалар шу билан тугамаслиги равшан. Бу анчагина миқёсли вазифа бўлиб, жамият турмушини демократик йўл билан тартибга солишнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

Бу ўринда шахснинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши, гражданлар барча ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун ва табиийки, давлат олдидаги ўз бурчларини бажаришлари учун ҳамма шарт-шароитларни таъминлаш биринчи ўринга чиқади.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги барча ҳаракатларимиз, уларнинг самарадорлиги асосий мезон — улар совет кишисига нималар бериши билан ўлчаниши керак.

Маълумки, сайлов давомида сайловчилар гражданларнинг қадр-қиммати, уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя этилиши тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўйдилар. Кўп жиҳатдан бу — давлат манфаатларини одамлар манфаатларидан устун қўйишга асосланган ўтмишдаги сиёсий практиканинг оқибатидир. Кўпинча бошбошдоқлик, гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини бузиш, уларга бюрократик муносабатда бўлиш фактлари давлат манфаатлари тўғрисида жон қуйдириш билан оқлаб келинди.

Биз бундай ёндашувни умумдемократик ва социалистик қадриятлар ҳамда идеалларга зид ёндашув, деб қатъий рад этамиз. **(Қарсаклар).** Умумий фаровонлик бирорта одамга нисбатан ҳам йўл қўйилган адолатсизлик негизига қурилмаслиги керак **(Қарсаклар).** Ҳар бир граждан ўз хаттиҳаракатлари учун жамият олдида жавобгардир, аммо жамият, давлат ҳам унинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, шахснинг ва мулкнинг дахлсизлиги учун граждан олдида жавобгардир.

Буларнинг ҳаммаси умумий принциплардир, ўртоқлар. Бу принциплар чинакамига ҳаракатга келиши, ижтимоий практикамизга кириб келиши учун қонунларнинг бутун бир туркумини қабул қилишга тўғри келади. Бундай қонунларнинг бир қисми ҳозирдаёқ ишлаб чиқилмоқда ва яқин келажакда Олий Совет комиссияларининг муҳокамасига киритилиши мумкин. Булар — виждон эркинлиги, матбуот, жамоат ташкилотлари, ёшлар тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қонунларнинг лойиҳаларидир. Биз жиноят қонунини ҳам, граждан қонунини ҳам, меҳнат қонунини ҳам, оилавий қонунни ҳам даврга, янги тасаввурлар ва вазифаларга мослаштиришимиз даркор.

Инсон ҳуқуқи масалаларига доир қонунларимизни янгилаш зарурати яна шундан келиб чиқадики, Совет Иттифоқи Вена битимларига қўшилди, бинобарин бизда амал қилаётган ҳуқуқий нормалар халқаро пактларга мувофиқ бўлиши лозим.

Хуллас, ижтимоий турмушнинг барча жиҳатларини мустаҳкам ҳуқуқий базага қўйиш учун Олий Совет, сўнгра эса съезд ҳам зўр бериб ишлашига тўғри келади. Тўғри ҳисобланганми, йўқми — билмайману, кеча бу ерда биз 50 та қонунни ишлаб чиқишимиз лозимлигини айтдик. Бу фақат шахснинг ҳаволига, гражданлик муносабатларига тааллуқли бўлиб қолмай, ҳокимият ва бошқарув органлари, экономика, ижтимоий тартиб ва бошқалар фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Ўртоқлар, қонунларнинг умумҳалқ муҳокамаси (бундай муҳокама ҳозир бизда одат тусига кириб қолди) билан бир вақтда бу қонунларнинг энг муҳимларини референдумларга тақдим этиш тўғрисидаги масалани қўяётган депутатларнинг фикрига ижобий муносабатимни айтиб ўтмоқчиман. **(Қарсаклар).**

Суд-ҳуқуқий ислоҳот — социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги жуда муҳим босқичдир. Ўзларингизга маълум, ўтган кузда Конституцияга қўшимчалар киритиш чоғида халқ судларининг халқ депутатлари қўқори Советлари томонидан сайланиши тўғрисидаги қоида унга киритилган эди. Суд мустақиллигининг бу муҳим шартини очигини айтганда бутун халқ талаб қилган эди.

Аммо ана шу йўналишда ҳали кўпгина муҳим муаммоларни ҳал қилиш, биринчи навбатда судловни амалга оширадиган кадрлар савиясини юксалтириш, қатъий қонунчиликни таъминлаш, жамоат тартибини қўриқлашда қатъий тўриш муаммоларини ҳал этиш лозим бўлади. Мамлакатда юридик таълимни кенгайтиришнинг кенг программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, суд-тергов органларининг моддий базаси тўғрисида, ана шу соҳа ходимларининг моддий аҳволи тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Суд ислоҳоти муносабати билан ҳозир ўртага қўйилаётган кўпгина масалаларнинг мақбул ечими топилиши лозим. Бундай масалалар съездимиз мажлисида ҳам тилга олиб ўтилди. Мен маслаҳатчилар иштирокида суд мажлиси ўтказишни жорий этиш, тергов тартиби ва уни назорат қилиш имкониятлари ва бошқа масалаларни кўзда тутяпман. Буларнинг ҳаммасини муҳокама қилиш керак. **(Қарсаклар).**

Суд ислоҳотига доир жуда катта иш шунчаки ўзи эмас, балки мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида, зарурдир. Жиноятлар сони, шу жумладан порага сотилиш, мафия, таъмагирлик, порахўрлик каби хавфли жиноятлар сони кўпайганлиги муносабати билан бу вазифа ғоят долзарб вазифа бўлиб қолди. Одамларнинг нормал ҳаёт, меҳнат ва дам олиш шароитларига путур етказувчи безориликка қарши кураш ҳам долзарб муаммодир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини мустаҳкамлаш, уларни қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда бу органлардан жиноятчиликни тугатиш юзасидан самарали чоралар кўришни талаб қилишимиз лозим десам, депутатлар фикримга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Давлат, жамоат ташкилотлари, ҳар бир коллектив ва ҳар бир граждан — ҳамма ўз ҳуқуқлари ва бурчларини аниқ-пухта амалга оширганлари тақдирдагина демократия амал қила олади. Буни исботлашга ҳожат йўқ.

Ҳозир одамларимизни тобора кўпроқ ташвишга солаётган масала тўғрисида гапирмай ўтолмайман. Мен айрим шахслар ва гуруҳлар оммавий тартибсизликларни ташкил этиш, зўравонлик воқеаларини келтириб чиқариш йўли билан ўзларининг шахсий ёки группа мақсадларига эришишга уринаётганликларини кўзда тутмоқдаман. Ҳуқуқий давлатда бундай воқеаларга тоқат қилиб бўлмайди. **(Қарсаклар).** Қонуний мақсадларга қонуний воситалар билан эришиш мумкин ва лозим, ғайриқонуний мақсадларга эса чек қўйилиши керак. Агар биз демократияни, ошкоралиқни ҳимоя қила олмасак, бу мамлакат ва халқ тақдирида ғоят фожиали тусда акс этиши мумкин.

Хуллас, барча ғайриҳуқуқий ҳаракатларга фақат ақлидрок далилларингима эмас, виждон даъватини, жамоатчилик фикрингима эмас (булар биринчи ўринда туриши керак албатта), шу билан бирга ҳуқуқнинг кучини ҳам қарама-қарши қўйиш лозим. Фақат шундай йўл билангина демократик жамият яшайди ва ривожлана олади. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг съездимиз жамиятда жиддий ташвишланиш ортиб бораётган масалани ҳам эътиборсиз қолдира олмайди. Мен интизом ва тартибнинг ҳозирги аҳволини кўзда тутяпман. Очиғини айтадиган бўлсак, интизом ва тартибнинг ҳозирги аҳволи бизни қониқтирмайди. Уни ўзгартириб, қатъий яхшилаш талаб қилинади. Интизомнинг бўшлиги, хизмат бурчлари ёмон бажарилаётганлиги оқибатида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан биз кўп нарса йўқотмоқдамиз. Биринчи навбатда меҳнат соҳасида кўп нарса йўқотмоқдамиз.

Бу эса бутун жамиятимизга салбий таъсир қилмоқда; масъулиятсизлик ва тартибсизлик одамларнинг кундалик турмушини пароканда қилади, бу турмушга кераксиз асабийликни олиб киради. Содда қилиб айтганда, одамларнинг жаҳлини чиқаради. Уларда норозилик туғдиради. Бунинг устига нима учундир интизом тўғрисидаги масалани қўйишни, тартибни талаб қилишни ўзларига эп кўрмайдиган бўлиб қолишди. Баъзи бировлар ҳеч ким ботинмайгина интизом ва тартибни талаб қилишга ўринсалар, бундай ўринишларни гўё демократияни бузиш, буйруқбозлик системасини, одамлардаги қулларга хос психологияни қайта тиклашга интилиш, деб баҳоламоқдалар.

Баъзи бировларнинг интизом тўғрисидаги гаплари — эски вақтларни қўмсашдан бошқа нарса эмас, албатта. Бундай ҳолдар бўлса керак, ўртоқлар. Нима ҳам дейиш мумкин: интизом тўғрисида гапиради-ю, қаттиққўл одам тўғрисида ўйлайди, тартибга қайтишни эса ҳеч нарсани ўйламай ишингни қил, деб тушунади. Шундай ҳоллар ҳам бўлса керак.

Лекин, ўртоқлар, бугун энг муҳими — бошқа нарса. Интизомнинг бўшлиги нималарга олиб боришини биз ўз тажрибамизда сезиб турибмиз, шу боисдан съездда қатъий позицияда туришимиз керак: интизом бўлмаса, тартиб бўлмаса қайта қуриш иши юришмайди. **(Қарсаклар).**

Демократиялаш одамларнинг социал активлигини кучайтириш негизида интизомни мустаҳкамлашга муҳтождир. Биз ҳар қандай бебошликка тоширилган иш учун юксак масъулиятни қарама-қарши қўйишимиз лозим. Интизом ва тартибни талаб қилиб, қатъийроқ гапиришдан уялмаслик керак.

III.

Ўртоқлар! Съезд ишининг дастлабки кунлариёқ **миллий масаланинг** ўткирлигини, миллатлараро муносабатларнинг мураккаблигини яна кўрсатди. Дарҳақиқат, кўп миллатлилик — давлатимиз билан жамиятимизнинг ноёб хусусиятидир. Бир томондан бу унинг кучқувват манбаи, иккинчи томондан эса миллий сиёсатда бироз бўлсада хатоларга йўл қўйилган тақдирда бу хусусият давлатни заифлаштириш, жамиятда олдиндан айтиб бўлмайдиган оғир оқибатларга олиб келадиган беқарорликнинг сабаби ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Давр Владимир Ильич Ленин ишлаб чиққан миллий сиёсатнинг тўғрилигини яққол кўрсатди. Бу сиёсат бизнинг барча халқларимизга келтирган натижалар бебаҳодир. Мамлакатимизда яшовчи барча миллатларни миллий зулм ва тенгсизликдан халос этиш, уларнинг экономикасини юксалтириш ва маданиятини ривожлантириш борасида ғоят катта ишлар амалга оширилди. Бизнинг тажрибамизга бутун дунё қизиқиб қаради, буни эса асло унутмаслик керак.

Аммо 30-йилларда ленинча миллий сиёсат жуда қўпол равишда бузилди. Амалда халқлар буни ҳис этди. Миллий муносабатларнинг кўп қиррали характерини соддагина тушуниш, қўшилиб кетиш тенденцияларини рағбатлантириш, миллий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини инкор қилиш, бутун-бутун миллатларни сиёсий жиҳатдан айблаш ҳамда шундан келиб чиққан ўзбошимчалик ва бедодлик, одамларнинг миллий ҳиссиётларини миллатчилик кўринишларига йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ўҳшатиш — мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг ҳаётимизда бўлган эди. Бунда ҳеч нарсани қўшиб ҳам, олиб ташлаб ҳам бўлмайди, дейиш мумкин.

Бизга жуда мушкул мерос қолди. Бунда турғунлик даврларида миллий муносабатлардаги салбий жараёнлар эътиборсиз қолдирилди ёки юзага чиқишига йўл қўйилмади, бу эса ана шу жараёнларнинг яна ҳам кўпроқ кескинлашувига олиб борди. Улар эртами-кечми юқорига қалқиб чиқиши керак эди.

Демократиялаш ва ошкоралик бор ҳақиқатни кўриш ҳамда йўл қўйилган хатоларни тузата бошлаш, адолатсизликни бартараф этиш имконини берди. Бироқ шуни эътироф этиш керакки, биз қайта қуришнинг бошларида миллий сиёсатни янгилаш зарурлигига асло тўлатўкис баҳо берганимиз йўқ. Эҳтимол кечиктириб бўлмайдиган бир қанча масалаларни ҳал этишда сусткашликка ҳам йўл қўйилди. Холбуки, йиғилиб қолган иқтисодий ва социал муаммолардан табиий норозилик миллий манфаатларни камситиш, деб қабул қилина бошлади. Муайян унсурлар ана шу умумий қийинчиликлардан фойдаланиб, вазиятни яна ҳам кўпроқ чигаллаштиришга интилдилар. Бу эса бир қанча республикаларда тартибни бузишларга олиб келди, одамлар қурбон бўлган ҳаммага маълум фожиали оқибатларни келтириб чиқарди.

СССР халқ депутатлари съездининг шу минбарида туриб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлганликлари муносабати билан бизнинг умумий қайғу-аламимизни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Бу такрорланмаслиги керак.

Биз миллий муносабатларни батамом соғломлаштиришимиз, бу муносабатларни бизнинг ахлоқимиз ва идеологиямизга, социализмнинг инсонпарварлик принципларига зид бўлган ҳамма нарсадан халос этишимиз шартлиги равшан.

Биз миллий сиёсатни янгилаш тўғрисида гапирганимизда уни ҳозирги кун воқеликларига мувофиқ ҳолга келтириш зарурлигини назарда тутяпмиз. Барча республикаларнинг экономикаси, демографияси, социал ва миллий структураси ўзгарди. Миллий ўзликни англаш кучайди, маънавий турмушда янги эҳтиёжлар пайдо бўлди. Миллий муносабатларнинг кўпгина қирралари ҳозир янгича намоён бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, ҳозир миллатлараро муносабатларга доир масалаларга оқилона ва адолатли ёндашишни, ҳар бир совет миллатининг манфаатларига ҳам, умумҳалқ манфаатларига ҳам мос келадиган қарорлар ишлаб чиқилишини таъминлаши лозим бўлган сиёсий механизм яратилмоқда. Мен ҳозирдаёқ ушбу масалалар хусусида эълон қилинган қонунларнинг лойиҳаларини ҳам, Марказий Комитетнинг шуларга мансуб бағишланадиган Пленумига катта тайёргарлик ишларини ҳам, энг муҳими эса Олий Совет, унинг комиссияларида бўлажак ишни назарда тутяпман. Мана шу иш доирасида миллий муаммолар комплекс равишда ва ҳар томонлама ҳал этилиши лозим.

Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини олға сурган эди, бу принцип Коммунистик партия миллий сиёсатининг асосий қисмларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этиш чоғида шу принцип социалистик давлатчиликка асос қилиб олинди.

Тарих далиллари ҳам, иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳам, сиёсий онг ҳам соғлом фикр, халқлар тажрибаси ҳам барча совет миллатларини федератив иттифоқ давлати доирасида ривожлантиришнинг ҳаётий зарурлигидан далолат бермоқда. Қайта қуриш буни тасдиқловчи энг салмоқли далилдир. Қайта қуриш ўтмишда йўл қўйилган ҳар қандай хатолар ва бузилишларни тузатиш учун, миллатлараро муносабатларни чинакам уйғунлаштириш учун, ҳар бир киши қаерда туғилган, яшаётган ва меҳнат қилаётган бўлишидан қатъий назар миллий жиҳатдан ўзини нормал ҳис қилиши учун шароит яратмоқда.

Аммо ҳозир давлатнинг федератив тузилиш формаси миллатларнинг талаб-эҳтиёжи ва орзу-умидларини тўла-тўкис қондириши, ҳозирги замон реалликларига мос келиши учун уни амалий равишда сиёсий ва иқтисодий мазмун билан бойитиш керак.

Умуман, биз қайта қуриш миллий сиёсатининг энг муҳим жиҳатларини қуйидаги тарзда тасаввур этамиз.

Сиёсий соҳада — иттифоқдош ва автоном республикаларнинг, бошқа миллий тузилмаларнинг ҳуқуқларини анча кенгайтириш; бошқарувга доир тобора кўпроқ вазифаларни жойларга топшириш; республика органлари ҳамда маҳаллий органларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш. Федератив давлатда иттифоқнинг ҳуқуқ доирасига нималар кириши, нималар эса республика, автономиянинг суверен ҳуқуқи эканлиги аниқ белгилаб қўйилиши керак. Уларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган ихтилофларни ҳал этишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодий соҳада республикаларнинг иқтисодий мустақиллиги билан уларнинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотида фаол иштирокини узвий қўшиб олиб бориш асосида иттифоқ билан республикалар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш зарур. Мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексини йўлга солишни шу нуқтаи назардан қайта қуриш, республикалар, регионлар, ўлкалар ҳамда областларни ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказишни совет экономикасини янгилашнинг умумий жараёнига узвий равишда қўшиш лозим бўлур эди.

Республика хўжалиги билан маҳаллий ўз ўзини бошқаришни ривожлантиришга янгича ёндашув ҳозирги дунёда эскилик сарқити бўлиб қолган биқиқликка олиб келмай, балки ҳар бир республиканинг ва бутун мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган кооперацияни чуқурлаштиришга кўмаклашиши принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Демография ва экология соҳасидаги муаммолар иқтисодий муаммолар билан чамбарчас қўшилиб кетмоқда. Бунда ҳам умумиттифоқ манфаатларини республикалар ва регионларнинг манфаатлари билан моҳирона қўшиб олиб бориш керак.

Маънавий соҳада биз буюк социал ва тарихий қадрият, бутун иттифоқимизнинг ноёб мулки бўлмиш миллий маданиятларнинг ғоят хилма-хиллигини эътироф этишга асосланамиз. Биз уларнинг биронтасига ҳам етарли баҳо бермасликка ёки айниқса улардан маҳрум бўлишга ҳаққимиз йўқ, чунки уларнинг ҳар бири бетакрордир.

Биз — ҳар бир халқнинг, миллий тил ва маданиятнинг эркин, ҳар томонлама ривожланиши тарафдоримиз, барча миллатлар, элатлар, миллий группаларнинг тенг ҳуқуқли ва дўстона муносабатлари тарафдоримиз.

Халқ депутатлари съездига, СССР Олий Советига миллатлараро муносабатларга доир масалаларга оқилона ва адолатли ёндашишни, ҳар бир совет миллатининг манфаатларига ҳам, умумҳалқ манфаатларига ҳам мос келадиган қарорлар ишлаб чиқилишини таъминлаши лозим бўлган сиёсий механизм яратилмоқда. Мен ҳозирдаёқ ушбу масалалар хусусида эълон қилинган қонунларнинг лойиҳаларини ҳам, Марказий Комитетнинг шуларга мансуб бағишланадиган Пленумига катта тайёргарлик ишларини ҳам, энг муҳими эса Олий Совет, унинг комиссияларида бўлажак ишни назарда тутяпман. Мана шу иш доирасида миллий муаммолар комплекс равишда ва ҳар томонлама ҳал этилиши лозим.

Ленин миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини олға сурган эди, бу принцип Коммунистик партия миллий сиёсатининг асосий қисмларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини барпо этиш чоғида шу принцип социалистик давлатчиликка асос қилиб олинди.

Тарих далиллари ҳам, иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳам, сиёсий онг ҳам соғлом фикр, халқлар тажрибаси ҳам барча совет миллатларини федератив иттифоқ давлати доирасида ривожлантиришнинг ҳаётий зарурлигидан далолат бермоқда. Қайта қуриш буни тасдиқловчи энг вазифалар яна ҳам хилма-хилдир. Кўп мамлакатлар билан «кун тартиби» ҳам белгилаб олинди, муносабатлар ҳам тобора эзгу ниятли, амалий ва ўзаро ҳурмат тусини олмоқда. Бу регионда, ҳамма ерда бўлганидек, шундай мамлакатлар борки, улар билан муносабатларга, аввало буюк Ҳиндистон билан муносабатга биз алоҳида эътибор берамиз.

Совет — Америка муносабатлари жаҳон сиёсати учун биринчи даражали аҳамиятга моликлиги ҳаммамизга тушунарлидир. Биз олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган ва барқарор негизда АҚШ билан ҳамжиҳатлик қилишга тайёрмиз, давомийликни янги ғояларга пайванд этиб, олға қараб силжиб бораверишга тайёрмиз.

Биз шу йилларда Лотин Америкаси ва Африка билан яна ҳам яқинроқ ва яна ҳам самаралироқ алоқалар учун ноёб имкониятлар борлигини аниқлаб олдик. Бу ўринда ҳам умумий муаммолар ва айрим мамлакатлар билан муносабатларда ўзига хос жиҳат бор.

Барча чегарадош давлатлар билан яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш бизнинг биринчи галдаги вазифамиздир.

Халқ депутатлари съезди **келгуси йиллар учун ташқи сиёсат йўлимиз принципларини** кўриб чиқиши ва қонун йўли билан тасдиқлаши керак. Бунда гап қуйидагилар ҳақида бориши керак, деб ўйлайман:

— мамлакатнинг хавфсизлиги, аввало, ялпи ва тенг хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида сиёсий воситалар билан демилитаризациялаш, демократиялаш ва халқаро муносабатлардаги инсонпарварлик жараёнида, БМТнинг обрўси ва имкониятларига таяниб таъминланиши керак;

— қуролсизланишга ва давлатларнинг мудофаа қудратини оқилона етарли даражадаги қисқартиришга қаратилган музокаралар жараёнида ядро қуроли тугатилиши керак; **(Қарсаклар).**

— бирон бир сиёсий, иқтисодий ёки бошқа мақсадларга эришишни ўйлаб куч ишлатиш ва куч билан даврдага қилишга йўл қўйиб бўлмайди; бошқа мамлакатлар билан муносабатларда албатта суверенитет, мустақиллик, территориал бутунлик ҳурмат қилиниши керак.

— мухолифлик эмас, балки манфаатлар мувозанатини ўйлаб мулоқот ва музокаралар олиб бориш халқаро муаммоларни ҳал этишнинг можароларни бартараф этишнинг бирдан-бир усули бўлиши керак;

— биз совет экономикасининг ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли негизда жаҳон хўжалигига қўшилиши, ҳозирги халқаро меҳнат тақсимоти, илмий ва техникавий айрибошлаш, савдо қоидаларини шакллантириш ва уларга риоя этишда фаол қатнашиш, кимки ҳамкорликка тайёр бўлса, ўшалар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Яна бир принципиал масала.

Ўтмишда бизнинг ташқи сиёсат практикамиз баъзи ҳолларда социалистик ташқи сиёсатнинг эълон қилинган юксак принципларига зид келиб қолар эди. Ўзбошимчалик ҳаракатларига ҳам йўл қўйиларди, бундай ҳаракатлар мамлакатга жиддий зарар етказар, унинг халқаро обрў-эътиборига салбий таъсир қилар эди. Бу ҳам ўша буйруқбозлик системасининг, ана шу системага хос бўлган яширинча қарорлар қабул қилишнинг оқибати эди.

Биз реконструкция қилаётган сиёсий системанинг муҳим вазифаларидан бири — ана шундай тартиблар ва усулларни истисно этишдан иборат. Бундан буён ташқи сиёсатга оид энг муҳим қарорлар Олий Совет ва унинг комиссияларида асосли равишда муҳокама қилингандан кейингина қабул қилиниши лозим. Бундай масалаларнинг энг муҳимлари, масалан иттифоқчилик муносабатлари, муҳим шартномалар тузиш билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари съезди муҳокамасига киритилади. **(Қарсаклар).**

СССР халқ депутатлари съездининг ана шу тилга олинган принципларни маъқуллаши шунчаки юридик аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, жуда катта сиёсий аҳамиятга — халқаро ва ички аҳамиятга ҳам эгадир. Ғарбдаги барча кишилар ҳам биз бу йўлни абадулабадга танлаб олганимизни ва шу йўлни ўзгартириш ниятимиз йўқлигига ишонгани, деб бўлмайди. Мамлакатимизнинг ўзида ҳам ҳали ҳамма янгича фикрлашга асосланган ташқи, сиёсатимизнинг туб моҳиятини тушуниб олгани йўқ. Айрим кимсалар бу моҳиятни ўзига хос тактика, вақтинчалик бурилиш ёки ҳатто Ғарбга ён босиш, деб билмоқдалар.

(Давоми 4-бетда).

СССР ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

Шу боисдан ҳам қуйидагиларни таъкидламоқчиман ва съезд бундай баёнотни қўллаб-қувватлайди, деб умид қиламан: бу совет халқининг манфаатларини ифодалайдиган ва ишончимиз комилки, бутун инсониятнинг манфаатларига мос тушадиган бизнинг теран асосланган стратегик йўлимиздир. **(Қарсаклар).**

Бу ерда, съездда жаҳон халқларига съездимиздан мактуб йўллаш тўғрисидаги таклифлар айтилди. Ер юзидаги одамларга айтадиган гапларимиз бор, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

V.

Депутат ўртоқлар! Кўриниб турибдики, фаолиятимиз майдони жуда кенгдир. Ҳамма йўналишларимиз бўйича социал-иқтисодий сиёсатда ҳам, давлат-ҳуқуқий сиёсатда ҳам, миллий сиёсатда ҳам, халқаро сиёсатда ҳам революцион тусдаги жуда кўп катта вазифаларни ҳал қилишимиз лозим. Муаммолар докладда кўрсатилганидан ҳам кўпроқ, съезддаги мунозаралар буни кўрсатиб беради, деб ўйлайман. Ўз-ўзидан тушунарлики, ишнинг муваффақияти **ҳал қилувчи даражада биз ўз фаолиятимизни қай йўсинда ташкил эта билишимизга, ҳокиятнинг янги олий органлари нечоғлиқ тез ўзларига хос вазифаларини уддалаб кетишига, мамлакатдаги бутун ўзгартирувчилик ишига нечоғлиқ тез бош бўлишига** боғлиқ эканлиги батамом тушунарлидир.

Шу мавзудаги мунозара аслида бошланиб кетди, унда бир қанча принципиал масалалар олдинги ўринга чиқмоқда, шулар хусусида биз маслаҳатлашиб олишимиз зарур.

Шулардан биринчиси — съезд билан СССР Олий Советининг вазифаларини чегаралашдир. Бу жўн масала эмас, чунки ҳозир бизда жорий этилаётган ҳокимият олий органларининг структураси социалистик революция туфайли вужудга келган бизнинг совет анъанамизни жаҳонда эътироф этилган ваколатли органлар иш тажрибаси билан узвий боғлаб олиб боришга интилишга асосланган дир.

Системамизда, аввало, халқ депутатлари съезднинг ўзи ноёб органдир. Бу — дарҳақиқат съезддир, унинг олдига доимий ишлаш вазифаси қўйилмайди. Биз кўлишиб олганимиздек, мамлакат учун жуда муҳим бўлган қонунлар қабул қилиш ва давлат ички ҳамда ташқи сиёсатининг туб масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳокимият бошқа органларининг ишига баҳо бериш ва уларни назорат қилиш, зарур бўлиб қолган ҳолларда Конституцияга тузатишлар киритиш ҳамда сиёсий системанинг ўзини ўзгартириш учун съезд йилига камида икки марта йиғилиши керак.

Сиёсий ислоҳот моҳиятига кўра, янги Олий Совет ҳам қонун чиқариш, ҳам асосий идора этиш вазифаларини бажараётган ҳокимиятнинг доимий ишлайдиган органи бўлиши керак.

Энди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг нисбати ҳақида гапирмоқчиман. Бу масала жуда муҳим масаладир, шу боисдан ҳам уни махсус ишлаб чиқиш ва ўрганиш талаб этилади. Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ айтишимиз кераккки, бир томондан Олий Советнинг палаталари, комиссиялари ва комитетлари ўртасидаги муносабатлар, иккинчи томондан, ижро этувчи органлар ўртасидаги муносабатлар ҳозиргача бўлганига нисбатан тубдан ўзгариши керак.

Чамаси, Олий Советнинг комиссиялари ва комитетларида давлат планларининг топшириқлари ва давлат бюджетининг моддалари кўриб чиқилиши, уларнинг халқ депутатлари съезди ва Олий Советнинг ўз принципиал йўл-йўриқларига мувофиқлиги баҳоланиши керак.

Комиссиялар ҳал этиши лозим бўлган бошқа муҳим бир вазифа — энг асосий давлат лавозимларига номзодларни кўриб чиқишдан иборат. Масалан, министрларнинг, чет элга юборилади-ган элчиларнинг ва бошқаларнинг номзодлари назарда тутилади. Мана шу иккала вазифа парламентимизга ҳокимиятнинг ҳақиқий дастакларини ўз қўлида ушлаб туриш имкониятларини беражагини фаҳмлаб олиш қийин эмас.

Съезд ва Олий Совет ҳукуматнинг стратегик аҳамиятга молик масалаларидаги фаолиятини назорат қилганда, ҳукумат бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, давлат бошқаруви вазифаларини Конституция доирасида тўла равишда ҳал эта оладиган бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

Ислоҳотдан кўзда тутилган мақсад шундан иборатки, бизнинг сиёсий системамизда Конституцион назорат комитети муҳим роль ўйнаши керак, бу комитет, аслида, конституцион суд сифатида иш кўриши лозим. Шуни олиндан айтиб қўймоқчиманки, барча поғоналардаги маъмурий органларнинг фаолияти устидан суд назоратини ривожлантириш, аслида, социалистик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас элементларидан бири бўлиб қолиши керак. **(Қарсаклар).**

Кейинги бир неча кун мобайнида съездда СССР халқ депутатининг статуси тўғрисидаги масала қизғин муҳокама қилинди. Депутатнинг мавқеини, унинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тартибга соладиган янги ҳужжатни ишлаб чиқиш ва уни съездга тақдим этиш зарурлиги ҳақида сизлар билан келишиб олдик. Бироқ баъзи принципиал жиҳатлар борки, барча ўртоқлар фаол ишга қўшилиб кета олишлари учун, ҳозир шу жиҳатлар хусусида келишиб олиш ва бир қарорга келиш лозим бўлади. Бу ўринда нималарни назарда тутмоқ керак?

Биринчидан, депутат статусининг бирлиги назарда тутилади. Барча депутатлар, улар территориал, миллий-территориал округлардан ёки жамоат ташкилотларидан сайланган бўлишларидан қатъий назар, тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Навбатдаги жиҳат меҳнатни депутатларнинг ўзлари ўртасида тақсимлашга таллуқлидир. Табийки, съезд томонидан Олий Советга сайланган ўртоқларнинг зиммасига қўшимча вазифа юклатилади ва ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларнинг тегишли қўшимча имкониятлари бўлиши керак.

Олий Совет аъзоларига алоҳида вазифаларнинг юклатилиши бошқа халқ депутатларининг роли камайтирилишини асло билдирмаслиги керак. Аввало ҳар йили Олий Советнинг бешдан бир қисми янгиланиб борган шароитда улардан ҳар бирида Олий Советга сайланиш имконияти қолаверади.

Кўпгина депутатлар Олий Совет комиссиялари ва комитетлари составига кириб, уларнинг аъзолари сонининг ярмигача қисмини ташкил этадилар ва ҳал қилувчи овоздан фойдаланадилар. Улар комиссиялар ва комитетларнинг раҳбариятига, ана шу депутатлар вакили сифатида айтайлик, раисларнинг ўринбосарлари этиб жалб қилиниши мумкинлиги оқилона иш бўлур эди.

Менинг тушунишимча, ҳар бир СССР халқ депутати ўзи истаган пайтда у ёки бу комиссия ёки комитетларнинг ишида, Олий Совет палаталарининг мажлисида қатнашиши мумкин, деган фикрга ҳаммамиз қўшилдик. Ҳар бир халқ депутати Олий Советнинг, ҳукуматнинг ва бошқа ҳокимият органларининг кундалик иши ҳақида батафсил ахборот оладиган бўлиши керак. Ниҳоят ҳар бир халқ депутати сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, маҳаллий ва марказий ҳокимият органларига у ёки бу сўровлар ва таклифлар билан мурожаат этиб, шу тариқа ўз регионида ёки жамоат ташкилотида фаол сиёсий иш олиб бориш имкониятига эга бўлади. Депутатларда гражданларни қабул қилиш, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шароит бўлиши лозим, бундай шароитни маҳаллий органлар яратиб беришлари керак. Бунинг устига ана шу масалалар дарҳол ҳал қилиниши лозим.

Шундай қилиб, биз совет системасининг энг қимматли фазилатини — халқ вакилларининг меҳнаткашлар билан доимий алоқасини сақлаб қола оламиз, В. И. Ленининнинг сўзлари билан айтганда «парламентаризмнинг фойдали томонларини бевосита ва тўғридан-тўғри демократиянинг фойдали томонлари билан» бирга қўша оламиз.

Съезд ва Олий Советнинг ишини ташкил этиш ҳақида икки оғиз сўз. Халқ депутатлари бу ерга — Кремлга хилма-хил фикрлар ва ҳаёт тажрибаси билан келганлар, улар турли манфаатларни — социал, миллий, касб-кор, ёш, регионал манфаатларни ифодалайдилар. Биргаликдаги ишда турли фикрлар, баҳслар ва мунозаралар бўлиши табиий. Бундай мунозаралар съезд ишининг биринчи кунида, ҳатто биринчи соатиданоқ бошланди, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ, деб ўйлайман. Аксинча, фикрларнинг хилма-хиллиги эҳтиёжи тутилган ечимлар доирасини кенгайтиради, кўриб чиқилаётган масала хусусида кенгроқ кўламда таклифлар олиш имконини беради.

Модомики шундай экан, фикрлардаги тафовутлар оқилона ечимларни қабул этиш учун тўсиқ бўлиб қолмаслиги керак, албатта.

Бу ерда ўртоқлардан бири тўғри айтганидек, фикрлар ҳар хил бўлиши мумкин, аммо сиёсатимиз битта бўлиши керак, бу — революцион қайта қуриш сиёсатидир. **(Қарсаклар).** Шу сабабли иноқликка эришиш учун ҳамма ишни қилиш, бир-биримизнинг фикримизни тушунишга интилиш, иш манфаатларини кўзлаб қандайдир ўзаро ён беришларга рози бўлиш зарур. Бунга муваффақ бўлинмаган тақдирдагина, масалани кўпчилик билан ҳал этишдан бошқа илож қолмаслиги табиий. Демократиянинг қонуни мана шундай.

Яна бир муҳим жиҳат бор, бу жиҳат съездда ҳам айтиб ўтилди. Депутатлар турли сабабларга кўра, СССР Конституциясига у ёки бу ўзгартишларни киритишни таклиф қилдилар. Мен Асосий Қонунга шошма-шошарлик билан тузатиш киритаверишдан огоҳлантирган кишиларга қўшиламан. Конституция — бениҳоя муҳим сиёсий ҳужжат, шу сабабли унинг текстини вужудга келаётган у ёки бу вазиятларга мослаштираверишга ярамайди.

Мамлакатнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиб, қабул этиш зарурати борлиги — иккинчи масаладир, бу хусусда биз якдилмиз —ҳар ҳолда съезддаги кайфиятни мен шундай тушундим. Янги Конституцияда қайта қуриш давомида амалга оширилган революцион ўзгартишларни мустаҳкамлаб қўйиш бу ўзгартишлар муқаррарлигининг энг муҳим кафолатларидан бири бўлади. Аммо ҳозир, ислоҳотлар қизғин давом этаётган бир пайтда ҳали бизда янги асосий қонунда ўз аксини топиши мумкин бўлган масалаларнинг бутун комплексини эътиборга олиш имконияти йўқ.

Ўртоқлар, мамлакатдаги аҳвол хусусидаги фикрлар, давлатимизнинг келгусидаги ички ва ташқи сиёсати асосий йўналишлари ҳақидаги мулоҳазалар қисқача мана шулардан иборат.

Пировардида бир гапни айтиб ўтмоқчиман.

Биз ишимизни бўш жойда бошлаётганимиз йўқ. Бизда қайта қуриш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳот концепцияси вужудга келган. Бу масалалар партия, давлат, жамоат ташкилотларида ўтказилган. Турли анжуманларда у ёки бу теранликда ва танқидий руҳда, у ёки бу шаклда кўриб чиқилган, меҳнат коллективларида, оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилинган эди. Муайян амалий қадамлар ҳам қўйилган.

Бироқ давр вазиятни тез ўзгартирмоқда, янги-янги вазифалар, янги-янги эҳтиёжлар пайдо бўлмоқда, шу сабабли мен халқнинг коллектив ақл-заковатини ифодаловчи съездимиз Совет давлатининг келгуси йиллардаги фаолияти самарали программасини ишлаб чиқа олади, жамиятни революцион янгилашнинг бутун жараёнига янги куч-ғайрат бахш этади, деб ишонч билдирмоқчиман. **(Давомли қарсаклар).**

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ҚАТЪИЯТ БИЛАН БОРАЙЛИК

СССР халқ депутатларининг Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттираётган съездида 29 май куни депутат **А. Г. Журавлев** ўз сайловчилари телеграммаларида, телефон орқали съезд қатнашчиларидан кўпроқ масъулиятни талаб қилаётганликларини айтди. Бугун биз процедура масалаларини муҳокама қилишга вақт кетказишимиз учун бизга ҳеч ким ҳуқуқ бергани йўқ, деди у.

Ҳар биримизда бўлгани каби, ўртоқ Лукьяновдан ҳам айб топиш мумкин, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Шундай бўлсада, уни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлашни ва съезд ишини давом эттиришни таклиф қиламан. Депутат ишчи А. В. Видриннинг хатини М. С. Горбачевга топширди ва уни имкони бўлса эълон қилишни сўради. Хатда мамлакатда вужудга келган вазият тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Депутат **Ю. А. Кольцов** СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозими катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, депутат А. И. Лукьянов нутқидан ўзимнинг кўпгина савол-ларимга жавоб олдим ва шу жавоблардан қаноат ҳосил қилдим, деди.

Бироқ, битта савол ноаниқ бўлиб қолди, деб давом қилди нотиқ. Гап депутатларнинг иш ўрнини жиҳозлаш тўғрисида боряпти. У СССР халқ депутатларининг навбатдаги съездигача бўлган муддат ичида мажлислар залини оператив равишда овоз бериш ва жойлардан туриб гапириш учун барча зарур нарсалар билан жиҳозлаш тўғрисида таклиф киритди.

Депутатларнинг жойлардаги сайловчилар ва меҳнат коллективлари билан расмий алоқа воситаларини такомиллаштириш истаги билдирилди. Нотиқ ҳозирча бундай алоқа йўқ деб ҳисоблайди.

Сўнгра депутат съезд аппарати ишида аниқликни ошириш масалаларига батафсил тўхталди. Жумладан у, депутат сўровларидан бири йўқолиб қолганлиги воқеасини келтирди. Нутқда икки қонун: СССР Конституцияси билан СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги қонун ўртасида ҳозирча мавжуд юридик номувофиқликни бартараф этиш истаги билдирилди. Депутатнинг фикрича, бу ишни съезд охирига суриб бўлмайди.

Чечен-ингушиялик депутат **Х. А. Фаргиев** сўз олди. У ўз сайловчиларининг илтимосига биноан «1934 йилда қонунга хилоф равишда тугатилган Ингушия автономияси тикланиши тўғрисида»ги масалани қўйди. Нотиқ залдагиларнинг бири муҳокама мавзуси хусусида гапиришга чақирганига жавобан унинг нутқи миллий масалага ҳам, территориал масалага ҳам эмас, балки ҳуқуқий давлатни барпо этиш масаласига таллуқлидир, деди. Депутат муаммо тарихи ҳақида гапириб, ингуш халқигагина эмас, шу билан бирга бошқа бир қанча халқларга ҳам дахлдор сўровни ўқиб берди.

Депутат **С. Б. Агузарова** давлат ва сиёсат арбобида энг аввало унинг профессионал билими ва гражданлик позициясини қадрлаш лозимлигини таъкидлаб, Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ўртоқ Лукьянов номзоди кўрсатилишини қўллаб-қувватлади. У ўз фикрини Лукьянов юридик фанлари доктори эканлиги, қайта қуриш концепциясига содиқлиги, бошқаларнинг фикрини тинглашда сабр-тоқатлилиги ва моҳирлиги билан асослади.

Съезд фақат М. С. Горбачевнинг моҳирлик билан раҳбарлик қилиши туфайлигина ишлаяпти, деган тасаввур пайдо бўлмоқда, деди депутат **А. Е. Себенцов.** У сайловчининг фикрини келтириб ўтди. Сайловчи аввал барча депутатлар ўз фикрларини билдиришлари учун анжуман президиумига бироз кейинроқ овоз бериш имконияти беришни таклиф қилди. Шу муносабат билан депутат съезд давомида бўлган сайловлар натижалари тўғрисида гапириб, бу сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда хатолар йўқ, балки муайян темир ирода бор, бу ирода ишлайдиган парламентга муҳтож эмас, деган фикрни айтди.

Нотиқ СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига номзодлар кўрсатиш масаласига тўхталиб, М. С. Горбачев кучли сиёсий раҳбар эканлигини ва у ана шу лавозимга биргаликда ишлашга кўпроқ даражада қодир бўлган кишининг номзодини таклиф этишга ҳақли эканлигини айтди. Депутат А. И. Лукьянов номзодини қувватлади.

Шундан сўнг у сайловчиларнинг унга йўллаган мурожаатномаларидан бир неча сатрни ўқиб берди. Бу мурожаатномаларда сайловчилар халқ оммаси сиёсатини изчиллик ва мардлик билан ўтказаётган Москва, Ленинград депутатларининг группаларига, депутатларнинг бошқа баъзи группаларига миннатдорчилик билдирганлар.

Юксак давлат лавозимига А. И. Лукьянов номзоди муҳокама қилиниши муносабати билан депутат **Т. Х. Гдлян** унга КПСС Марказий Комитетидаги ишига; давлатда қонун ва ҳуқуқ-тартиботнинг ҳолатига; нотиқнинг фикрича, оммавий ахборот воситаларида унинг тергов группаси камситилишига; олтин қазиб чиқариш саноатидаги катта ўғирликларни тергов қилиш тўхтатилганига тааллуқли бир қанча саволлар билан мурожаат қилди.

Депутат **А. И. Лукьянов** олдин сўзга чиққан нотиқлар ўз нутқларида ўртага қўйган бир қанча саволларга жавоб қайтарди. Сўнгра сўзга чиққан ленинградлик депутат **Н. В. Иванов** айтдики, сўнгги вақтда мамлакатда ўнгга очиқдан-очиқ силжиш ва демократия ғалабаларидан чекиниш юз берди. Партия аппаратининг сайловолди кампанияси давридаги ҳаракатлари, яна «Ельцин иши» пайдо бўлганлиги, шу йил 8 апрелда нодемократик фармоннинг қабул қилинганлиги, Тбилисидаги ур-йиқитлар, унинг назарида бутун аппарат томонидан, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Гдлян тергов группасининг сиёсий жиҳатдан таъқиб этилиши ана шундан далолат бермоқда.

Ҳозирги вақтда, деди нотиқ, оғир жиноятлар кўпайяпти, уларни фош этиш камайиб кетмоқда. Депутат А. И. Лукьяновга бир қанча конкрет саволлар берди.

Челябинск областидаги «Коелгинский» совхозининг директори депутат **И. Н. Шундеев** ўз сайловчиларининг илтимосига мувофиқ бир неча савол берди. Шу саволлардан бири — нима учун съезд сайлов демократиясидан четлашмоқда, нима учун А. И. Лукьянов билан бир вақтда бошқа номзод кўрсатилмаяпти? Қайта қуриш кемасига, деб таъкидлади нотиқ, ишончли командани танлаб олиш керак. Бизнинг кемамиз қаёққа қараб сузишини фақат капитан эмас, биз пассажирлар ҳам билишимиз зарур. Бизнинг келажагимиз кеманинг қайси йўналишда боришига боғлиқ, деди нотиқ.

Депутат **В. Н. Кудрявцев** минбарга кўтарилади. Президент командани танлаб олмоқда, кўпгина мамлакатларда шундай бўлади, деди у. Менимча, бу команданинг биринчи аъзоси — А. И. Лукьянов муносибдир. У олий малакали юрист, юридик фанлари доктори. У илмий фаолият билан шуғулланишга қандай улгураётганлигини билмайман, чунки унинг иш куни 16 соат давом этади, 1985 йилдан буён меҳнат қонунини бузиб, отпускага чиқмай ишламоқда.

Жиноятчилик муаммосига келганда эса, ҳозир бу ҳақда гапирадиган вақт ҳам, жойи ҳам эмас, деди нотиқ. Залда ўтирган одамларнинг тахминан 10 процентининг қариндош-уруғлари ўз вақтида репрессия қилинган эди. XX асрнинг 80-йилларида бу воқеа такрорланишини истамас эдим. Бизга мафия, рэкет, талончилар ва бандитлар керак эмас, аммо бизга қонунни бузиб сўроқ қиладиган, қариндош-уруғлари ва фарзандларини ҳам қамоққа олиб, одамлардан ўзини- ўзи айблашни талаб қиладиган терговчилар ҳам керак эмас.

Депутат **Р. А. Медведев** Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари ўзининг Олий Совет Раиси программасидан фарқ қиладиган программасини баён қилиб бериши зарур эмас, деб ҳисоблайди. Олдин сўзга чиққан нотиқлардан бири биз давлатимиз кемасини бошқарадиган кишини сайлар эканмиз, билимдонлик билан шундай командани ҳам сайлашимиз кераккки, бу команда капитан дам олаётганда, орқага қараб эмас, балки ўша йўналишда кемани бошқара оладиган бўлсин, деб илова қилди.

Аммо М. С. Горбачев отпускага жўнаши билан ёки чет элга сафарга чиқиши билан идеология соҳасида ҳам, бошқа кўпгина соҳаларда ҳам, нотиқнинг гапларига қараганда, бутун давлат сиёсати ўзгара бошлайди. Баъзан эса тубдан ўзгара бошлайди. У ўз фикрича, раҳбар йўқ пайтларда олий раҳбарлик сиёсатини амалда ким ўтказаётганига қараб ана шундай ўзгаришлар бўлаётганидан далолат берувчи кўпгина мисолларни келтирди. Бу аҳвол, айниқса, зиёлилар-ни ташвишга солмоқда, деди у.

Шундай қилиб, кемамизнинг белгиланган йўлдан ҳаракатини давом эттирадиган ўринбосар керак, деб хулоса чиқарди у. Хуллас, съезд бир-бирига тўла-тўкис ишонадиган одамларни сайлаши лозим. Тарихчининг профессионал қизиқиши депутатга М. С. Горбачев билан А. И. Лукьяновнинг кўпдан буён ўзаро таниш эканини аниқлашга имкон берди. Масалан, у 50-йилларда чиққан «Московский университет» газетасининг сонларидан бирида юридик факультетининг комсомол комитетида ўқув-тарбия секторига студент Лукьянов раис, студент Горбачев унинг ўринбосари этиб сайлангани ҳақидаги хабарни қидириб топди.

Депутат **Р. Х. Солицев** сибирликлар номидан А. И. Лукьянов номзодини қўллаб-қувватлади. Равшанки, деди у, Михаил Сергеевич ўз лавозимига ўзи йўқ чоғида давлат кемасини ишонч топшириб қўядиган, биргаликда ишлаш қулайроқ ва ишончлироқ бўлган одамни тавсия қилишга шубҳасиз ҳаққи бор. Аммо биз бундай съездда биринчи марта қатнашаётган эканмиз, бир-биримиз билан очиқчасига гаплашишимиз керак. Буни биздан сайловчиларимиз ҳам талаб қилишмоқда. Шу муносабат билан депутат Красноярскдаги сайловчилар мактубини ўқиб эшитгирди. Мактубда улар у ёки бу депутатнинг нутқига талабчанлик билан баҳо бериб, альтернатив номзодларга, оппонентларга тазйиқ ўтказмасликка чақирганлар.

Ўзбекистон делегацияси кўпчилик овоз билан ўртоқ Лукьянов номзодини қўллаб-қувватлайди, деди депутат **О. Еқубов.** У ўз нутқида ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бир қанча қонун актларини тезроқ қабул қилиш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқди.

Нотиқ «Ўзбеклар иши» деб аталган ишнинг барча жиҳатларини фақат қонун асосида қат диққат-эътибор билан ўрганиш зарурлигини айтди. СССР Олий Совети Президиуми комиссиясининг матбуотда эълон қилинган хабаридан ҳеч нарсани тушуниб бўлмайди, бу хабар ноаниқ қилиб ёзилган. Ана шу комиссиянинг аъзоларидан биронтаси шу хусусда ўз фикрини айтса, яхши бўлур эди, деди нотиқ.

Сўнгра у ўз делегацияси номидан гапириб, бу делегация мазкур мураккаб иш ҳалол ҳал этилишини талаб қилаётганлигини маълум қилди ва ана шу иш тафсилотларини ўрганиш учун съезд тузадиган комиссия составига Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатларини киритишни таклиф этди.

Бобруйскдан келган депутат **С. Ф. Калашников** ВЛКСМдан сайланган бир гуруҳ депутатлар ва территориялардан сайланган бир қанча ёш депутатлар топшириғига мувофиқ сўзга чиқиб, бундай деди: А. И. Лукьянов номзоди тўғри танланганига гумон қилмаган ҳолда съездга тайёргарлик қандай борганлиги хусусидаги шубҳамизни маълум қиламиз. Ёш депутатлар ўзларининг маслаҳат учрашувида бир қанча таклифларни тайёрлаб, уларни ўртоқ Лукьяновга топширидилар. Лекин бу мулоҳаза ва таклифлар ҳисобга олинмади. Шунга қарамай, биз бир қанча масалалар юзасидан, хусусан бўлажак ёшлар ишлари комитети юзасидан ўз позициямизни яна ёзма баён қилиб беришга тайёрмиз. Аммо уларни съездда айтилган ҳамда, нотиқнинг фикрича, унда ҳокимиятнинг олий қатламини тузишнинг шубҳали механизми вужудга келишига олиб келган базъи таклифлар каби уларни яшириб қўймасликларига ишонч йўқ. А. И. Лукьяновни ёқлаб овоз бериш учун унинг ёшларнинг жиддий муаммоларига муносабатини ҳамда бу муаммони ҳал қилишда ёшларнинг талабларини қанчалик ҳисобга олишини билиш лозим. Бу масалани амалий тарзда А. И. Лукьянов билан муҳокама қилишга тайёрмиз.

Депутат **А. И. Лукьянов** ўз нутқида депутатларнинг янги саволларига жавоб қайтарди.

Мен, деди депутат **В. К. Старовойтов,** М. С. Горбачев тавсия қилаётган номзод Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари бўлиши керак, деган фикрга қўшиламан. Белоруссиялик кўпчилик депутатларнинг фикри ҳам шундай.

Депутат **Э. В. Бичкаускас**га сўз берилади. У А. И. Лукьяновга савол билан мурожаат қилди, нотиқнинг фикрича бу саволга бериладиган жавоб бутун Болтиқбўйи учун ғоят муҳим бўлиб, ҳуқуқий давлатни барпо этиш чоғида унинг аҳамияти катта. Литвалик депутатлар овоз беришдан олдин А. И. Лукьяновнинг «Риббентроп-Молотов пакти» ҳамда СССР билан фашистлар Германияси ўртасидаги қўшимча махфий битимлар хусусидаги позициясини билишни истар эдилар.

Депутат **Т. В. Гамкрелидзе** Грузия ССРнинг реал ва тўла суверенитетини таъминлашнинг кафолатлари масалаларига тўхталди. Республикада барча масалалар қардошлик, ўзаро ҳурмат, сиёсий, иқтисодий ва социал адолат асосида унинг территориясида яшаётган барча миллатларнинг манфаатларини кўзлаб ҳал қилиниши лозим. Қайта қуришнинг ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган барча ижобий жараёнларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш керак. Нотиқ Олий Совет Раисининг биринчи ўринбосари сайлангандан кейиноқ ана шу масалалар унинг диққат-марказида бўлади, деб умид билдирди.

Депутат **Г. И. Исаев** Озарбайжон вакиллари номидан гапириб, М. С. Горбачевнинг А. И. Лукьяновни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тасдиқлаш тўғрисидаги илтимосини қўллаб-қувватлашга чақирди. Нотиқ уни СССР давлат системасини такомиллаштириш ишига кўп йил вақтини сарфлаган мамлакатнинг таниқли давлат арбоби деб таърифлади.

Сўнгра нотиқ республика сайловчиларидан олинган телеграммалар ва улар билан телефон орқали қилинган суҳбатларнинг мазмунини съезд аҳлига етказди. Жумладан, у депутатлар Старовойтова билан Игитяннинг Тоғли Қорабоғ автоном области муаммолари хусусида айтган фикрлари ҳаммани ҳайратга солиб, ғазабини қўзғатганлигини айтди. Партия, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳаётнинг нормал маромини тиклаш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлаётган бир пайтда бундай гаплар билан чиқиш бизни самарасиз мунозара юритишга жалб қилиб, съезд кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишдан чалғитмоқчи бўлишяпти, деган фикрга олиб келади.

Депутат **С. Х. Неъматуллоев** Тожикистондан сайланган халқ вакиллари номидан СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига А. И. Лукьянов номзодини қўллаб-қувватлаб, ўз сайловчилари съездда кўтаришни илтимос қилган баъзи масалаларга тўхталди.

Уларни ташвишга солаётган биринчи нарса — ичимлик сувидир. Депутатнинг таъкидлашича, республикадаги бутун-бутун районлар ичимлик суви билан нормал таъминланмаган. Дунёдаги энг катта музлик жойлашган ва дарёлар бошланадиган регионда аҳвол ана шундай! Яна бир муаммо сейсмик жиҳатдан тўла-тўкис ҳимоя қилинмаганликдир. Республика меҳнаткашлари сейсмик жиҳатдан актив районларда яшайдилар. Аммо одамларни юз бериши мумкин бўлган табиий офатдан ишончли муҳофаза қилиш учун тегишли чоралар кўрилмаган. Сайловчилар депутатдан сейсмик жиҳатдан актив зоналарда одамларнинг тўла хавфсизлиги муаммосини ҳал этишга имкон берадиган қонун тўғрисида ўйлаб кўришни илтимос қилиб, съездга мурожаат этишни сўрадилар.

Депутат **Г. А. Омонгелдинова** ўз нутқида биринчи ўринбосар лавозимига А. И. Лукьянов номзодини қувватлади. Ҳозирги вақтда, унинг фикрича, А. И. Лукьянов билан тенглашадиган одам йўқ, шу сабабли барча халқ вакиллари А. И. Лукьяновни ана шу лавозимга тавсия қилган М. С. Горбачевни депутат сифатида қўллаб-қувватлашлари лозим.

Депутат **Р. А. Бозорова** Туркманистон ССРдан сайланган халқ депутатларининг топшириғига мувофиқ А. И. Лукьяновни СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Нотиқ уни сиёсий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш учун кўп иш қилган, республикадаги жуда кўп ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда ёрдам берган катта мутахассис, олим ва инсон деб таърифлади.

Партия бошлаб берган қайта қуриш туфайлигина биз ҳозир шу залда ўтирибмиз, деган фикр хаёлимиздан чиқмаяпти, деди депутат **Н. П. Кирияк.** Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу қайта қуришни М. С. Горбачев бошлаб берди, лекин у ёлғиз эмас, унинг қайта қуриш ишларида синалган ҳамфикрлари ва содиқ ёрдамчилари бўлган ва ҳозир ҳам бор.

Нотиқ депутатлар мамлакат тақдирини, бутун қайта қуриш тақдирини деярли бир овоздан М. С. Горбачевга ишониб топширган ва унга ёрдам беришга тайёр эканлар, у ҳолда охиригача изчиллик кўрсатиб, Олий Советда ўз ёрдамчиларини аниқлашни унинг ўзига ишониб топшириш керак, деб таъкидлади. У А. И. Лукьяновни совет қурилиши соҳасидаги таниқли олимлардан бири, сиёсий система ислоҳоти, унинг ҳозирги шароитда амал қилишининг муаллифлари ва ижрочиларидан бири, деб таърифлади.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига номзод — ленинча халқ ҳокимияти ғояларининг катта ташвиқотчиси ва амалга оширувчисидир. Биз уни сайласак, деди нотиқ, назарий ва амалий муаммоларнинг бутун бир комплексини ишлаб чиққан раҳбарга эга бўламиз.

Пировардида А. И. Лукьянов тушган саволларга жавоб қайтарди.

Съезд А. И. Лукьяновни очиқ овоз бериш йўли билан СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Кечки мажлиснинг бошланишида Президиум аъзоси депутат **А. В. Горбунов** съезд ишининг баъзи процедура масалалари тўғрисида депутатларга ахборот берди.

Съезд А. В. Горбунов ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Сўнгра музокаралар бошланди.

Мамлакатдаги кўпгина ижобий жараёнлар, деди депутат **С. Н. Хожиев,** М. С. Горбачев ва унинг сафдошлари номи билан боғлиқ. Бу ерда унга ҳам ўнгдан, ҳам сўлдан тазйиқ ўтказилмоқда. Шундай бўлиши табийдир, лекин умуман кўпчилик Михаил Сергеевичнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда.

Афсуски, деб давом этди нотиқ, съезд кун сайин ўнгга оғиб кетмоқда, деган ташвишли туйғу пайдо бўлди. Ишончим комилки, агар биз М. С. Горбачевни қўллаб-қувватлаб, зарур бўлган тақдирда унинг ҳаракатларини босиқлик билан амалий танқид қилган тақдиримиздагина қайта қуришнинг мақсадларига эриша оламиз. Чунки инсоният хатолардан ҳоли бўлишнинг коллектив муҳокама ҳамда жиддий ҳайриҳоҳлик билан қилинадиган ўзаро танқиддан бошқа яхшироқ усулини ўйлаб топгани йўқ.

Депутат съезд ишини яхшироқ ташкил этишга қаратилган бир қанча конкрет таклифлар киритди. Жумладан у ташкилий ва процедура группалари тузишни, мажлисларнинг бош бошқарувчиси лавозимини жорий этишни таклиф қилди. Нотиқ барча актуал масалалар юзасидан СССР халқ депутатлари съезди қатнашчиларининг позициялари баён қилинган дунёдаги барча халқларга ва жаҳон парламентларига мурожаатнома тайёрлашни ҳам таклиф қилди. Шунингдек, СССР Олий Совети Раисининг ваколат муддати тугагандан сўнг Олий Совет аппаратининг раҳбар ходимлари истеъфо бериши, биринчи ана шундай истеъфо ҳозирги съезд тугаганидан кейин берилиши лозимлиги таклиф қилинди.

СССР Олий Советининг ҳар бир қонуни, қарори остида ана шу ҳужжатларни тайёрлаган кишиларнинг фамилиялари қўйилиши керак, — депутат **В. Н. Кисилев** ана шундай фикрни айтди. Ўз нутқида у парламент ишининг одоб доирасига катта эътибор берди ва жумладан, ҳар бир депутат мунозараларда ўз фикрини айтишга ҳақлидир, деди.

Нотиқ съезд президиумини регламентга қатъий риоя этишга чақирди, унинг фикрича, самарали ишлашга имкон берадиган бир қанча таклифларни айтди.

Нотиқ барча делегацияларнинг вакиллари оммавий ахборот воситаларида съезд натижаларига баҳо беришлари керак, деган фикрни билдирди. СССР Олий Советининг Раиси қасамёд қилиши керак, деган таклиф ҳам киритилди, давлат лавозимларига тайинлаш чоғида ёш цензини жорий этиш зарурлиги тўғрисида гапирилди, СССР Олий Совети фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш мумкинлиги тўғрисидаги масала қўйилди.

Депутат касбдошларини ўз сайловчиларидан олган бир қанча телеграммалар билан таништирди. Уларнинг баъзилари съезднинг иши хусусида таҳқидий мулоҳазалар билдиргандар. Нот

ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН ҚАТЪИЯТ БИЛАН БОРАЙЛИК

(Давоми. Боши 4-бетда).

Депутат **Ю. Е. Бурих** съезд иши муносабати билан пойтахтдаги ва мамлакатдаги сиёсий вазиятга баҳо бериб, москваликлар билан учрашувлар, якшанба кунги митингда қатнашгани ҳақида сўзлаб берди. Нотиқ ўз таассуротларини қуйидаги сўзлар билан ифодалади: «Сиёсий бефарқлик ва лоқайдлик тугатилмоқда. Одамлар энг муҳим ишларни муҳокама қилишни ўрганмоқдалар. Аммо бундай ўқиш ҳеч бўлмаганда Москвада бир хил фикрда давом этмоқда».

Депутат съезддан ташқарида бўлаётган кўп сонли сиёсий мунозараларда депутатлар — партия ва совет раҳбарлари қатнашмаётганлигидан таассуф билдирди. Буни ўткир сиёсий муаммоларни ҳал қилишдан ўзини четга олиш деб баҳолаш мумкин.

Нотиқ Олий Советга сайлов юзасидан овоз бериш якунларини қониқарсиз баҳолаб, унинг фикрича, яширин овоз бериш принципига тўла риоя қилинмаганлигини айтди. Шунингдек у съезд президиуми мунозаралар давомида тушаётган қонун лойиҳаларига оид ташаббусларга эътибор билан муносабатда бўлиб, ишнинг охирида уларни кўриб чиқиши лозим, деган фикрни билдирди.

Процедура масалалари, деди депутат **Н. И. Кашников**, энг асосий масалалардир. Айни шу съездда ҳокимиятнинг олий органларини ўзиш механизми яратилмоқда. Бугун айни процедура файли (бундай процедура қаллаштирилади) иш қобилиятига эга уқувли органларга эга бўлишимиз мумкин ёки съездан кейин сайловчиларнинг ҳафсаласи пир бўлади. Бу органлар қайта қуришга озми-кўпми дахлдордир. Съезднинг вазифаси уларни қайта қуришга кўпроқ дахлдор қилишдан иборат. Шу боисдан бугун ана шу хусусдаги ҳамма нуқтаи-назарларни тинглаш лозим.

Нотиқ москваликлар группасининг таклифларига доир муносабатга тўхталиб ўтди. Бу муносабат пухта ўйланган, холисона бўлиши керак, — деди у. Ҳеч кимни ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслик керак. Москва группасининг берган гапларидан мамлакатнинг ҳолатдан чиқариш нуқтаи-назаридан энг яхши ва амалий фикрларни олиш керак.

Ҳозир шундай аҳвол юз бердики, мамлакатимизни тўла маънода қутқариб қолиш учун тарихий имконият пайдо бўлди, деди депутат **О. В. Чернишов**. Бироқ фақат қайта қуриш тарафдорлари эмас, унинг душманлари ҳам ана шундай имкониятга эга бўлдилар. Шу сабабли сайлов кампанияси жараёнида ҳам, бу ерда, съездда ҳам кураш жуда шиддатли бўлди.

Депутат ички муаммолар тўғрисида гапириб, жамиятимиз жиддий равишда бетоб эканлигини ва бу касаллик унинг тузилишидаги барча даражадаги структуралар бўйлаб тарқалаётганлигини айтди. Булар — миллий масалалар, экология, экономика, пулнинг қадрсизланиши ва бошқа масалалардир, кўпгина жароҳатлар — кесиш санъатини ўрганиб олган, лекин тикиш санъатини ўрганмаган сиёсий жарроҳлар фаолиятининг изидир. Депутат Олий Советга сайлов анъанавий равишда ўтказилди, чунки Олий Совет аъзолари кўплаб номзодлар орасидан сайланмади, деб ҳисоблайди.

* * *

Депутат **М. И. Чимпой** съезд бир қанча энг муҳим муаммоларни четлаб ўтмоқда, деган фикрни билдирди. У Литва ва Москванинг бир қанча депутатлари ўртага қўйган ҳамда унинг айтишича, «бостирилган» ташаббусларни шундай муаммолар қаторига киритди. Шу муносабат билан у СССР халқ депутати статусини ишлаб чиқиш таклифини киритди.

Нотиқ «Давлатга қарши жиноятлар учун жинсий жавобгарлик тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 8 апрелдаги фармон ҳамда СССРнинг бошқа баъзи қонун актлари амал қилиш муддатини тўхтатмаслик тўғрисидаги съезд қарорини қайта қуришга зид қарор деб атади, фармон амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги масалани номма-ном овозга қўйишни, ёқлаб ва қарши овоз берганлар рўйхатини эса эълон қилишни таклиф этди. Депутат фожиали оқибатларга олиб келган Тбилисидаги воқеалар тўғрисидаги резолюцияни ҳам номма-ном овозга қўйиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни айтди.

Депутат съезд ишлаб турган пайтдаёқ миллий муаммоларга, хусусан миллий тилларнинг давлат тили бўлишини ва амал қилишини ривожлантириш масалаларига доир резолюция тайёрланиши зарурлигини айтди. У съезд демократизмнинг ҳақиқий модели бўлиши кераклигини таъкидлаб, съездда янграган танқидий фикрлар амалий бўлиши ва мақтов руҳидан холи бўлиши лозим, деди.

Депутат **И. И. Заславский** социал масалалар иқтисодий, иқтисодий масалалар эса сиёсий масалаларга таянади, сиёсий масалаларни эса халқ сайлаб қўйган вакилларнинг реал ҳуқуқлари ва ваколатларисиз ҳал этиб бўлмайди, деди. Шунинг учун барча депутатлар ўз фикрини айтиш, съезднинг умумий қарорига ўз ҳиссасини қўшиш, съезд органларининг ишида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Нотиқ съезд ўз ишида яқол демократия сабоқларини кўрсатиши муҳимлигини таъкидлади, бунга эса, унинг фикрича, съездда бундан буёнги сайлов бир неча номзодни кўрсатиш асосида ўтказилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Бу, жумладан, Министрлар Советининг Раисини, Олий суд раисини ва бошқаларни сайлашга таалуқлидир. У СССР Олий Совети Раисининг бўлажак доклади юзасидан съезднинг коллектив ақл-идроки конкрет хулосаларга олиб келиши учун мавзулар бўйича мунозара уюштиришни таклиф этди.

Москва делегацияси, деди удмуртиялик депутат **А. З. Ястребов**, сайловдан кейин бошқа делегацияларга қараганда яхши ишлади ва съездга конкрет ҳамда асосли таклифлар мажмуасини тақдим этди. Биз бу группани эмас, балки съездга ҳеч қандай таклифларсиз келган кишиларни танқид қилишимиз ва келгуси сафар уларнинг ишига мана шундай принцип асосида баҳо беришимиз керак, деб таъкидлади у.

Нотиқ президиум иши тўғрисида гапириб, у ишчи президиум эмас, балки фахрий президиум, чунки фақат биргина раис ишлаяпти деган фикрни айтди. Шу муносабат билан депутат президиумга Олий Совет комиссиялари ва комитетларига бўлажак сайловга доир бир қанча масалаларни кўриб чиқишни, халқ депутатлари статуси тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқишни ва съездга ўз фикр-мулоҳазаларини тақдим қилишни таклиф этди. Агар президиум буни уддалай олмаса, уни қайта сайлаш лозим.

Ташкилий технологияни мукаммал эгаллаган аппарат агар истак бўлса амалий вазиятни таъминлаши мумкин ва лозим эди. Тартиб ва интизом бўлмаса, менга съезддаги демократия зарур эмас, деди Курск область прокуратурасининг катта терговчиси депутат **Н. А. Струков**.

Президиум, деб давом этди у, бизни мавжуд бўлмаган фракциялар тўғрисида, ёрлиқлар тақаш ва бошқа нарсалар ҳақида кераксиз баҳсларга жалб этишга йўл қўйди. Биз, съезднинг потенциал ходимлари сафсатабозлик ғоясини қўллаб-қувватладик, уюшмаган оммага айландик ва минбарга интилиб, бир хил фикрни бош-бошдоқлик билан такрорлаб, кўпинча ҳар қандай муаммо хусусида асоссиз ва кўп марталаб шоша-пиша фикр билдирдик. Афтидан, бу бошқалар фикримизни эшитмай қолишидан, англаб етмаслиги мумкинлигидан чўчиш, ҳақиқатга интилиш натижасидир.

Нотиқнинг айтишича, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг кўплиги туфайли съездда асосий кўпчилик юзага келтирилди. У партия аппаратининг бош масаласини — ҳокимият тўғрисидаги масалани ҳал этмоқда . Ана шу асосий кўпчилик съезднинг бошқа вазифаларни ҳал этишига имкон бермаяпти.

Биз Горбачевдан бошқа одам сайланишига имкон бермай, Бош секретарь лавозимини ҳам унинг ўзида қолдириб, ҳар қандай масаланинг бошқача ҳал этилишига имкон бермай, мамлакатда ҳам бир хил тартиб, тўғрироғи, тартибсизликни сақлаб қолиб, унга бошқача йўл тутишга имкон бермаяпмиз, деб таъкидлади нотиқ. Депутатлик нишонини тақиб олган ҳуқуқсиз халқ депутатларини одамларнинг шикоятлари ва халқнинг ғазаби уммонига ташлаяпмиз, биз, депутатлар балогардон бўляпмиз, деди нотиқ. Ҳамма бўлмаса ҳам кўпчилик ўзига бўйсинувчилардан «Хитой девори» барпо қилган албатта. Депутатнинг фикрича, съезд ҳокимиятни декрет билан аниқ-пухта мустаҳкамлаши керак.

Депутат **С. В. Белозерцев** «Время» программасида ва «Известия» газетасида съезднинг иши тўғрисидаги ахборот унчалик тўғри талқин қилинмаётганлиги, материал тарафкашлик билан танлаб олинаётганлиги хусусида ўз сайловчилари ва москвалик сайловчилари номидан норозилик билдирди. Нотиқ «келинглар, маслаҳатлашиб олайлик» деган фикрда «залдагиларга таъсир ўтказиш» сезилади, деб съездда раислик қилувчи шанига танқидий мулоҳазалар билдирди. Унинг фикрича, барча ёқлаб ва қарши овоз берганлар деган фикрни аниқ пухта баён этиш керак, нимани қабул қилиш ва нимани рад этишни эса съезднинг ўзи овоз бериш йўли билан ҳал этади.

Депутат 504- ва 505-фармонлар тўғрисида гапириб, съезд қатнашчиларининг асосий кўпчилигида ана шу фармонларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумот йўқлигидан таассуф билдирди. У 504-фармонни «демократияга қарши» фармон, 505-фармонни эса «Советларга қарши» фармон деб атаб, 505-фармон махсус топшириқни бажарувчи қўшинларни совет ҳокимияти органлари бўйсунувидан чиқаради, деб ҳисоблайди.

Депутат номма-ном овозга қўйиш билан боғлиқ масалага тўхталиб, И. И. Заславскийнинг фикрига қўшилади. Биз бир ёки икки сайланган депутат принципиал масалалар юзасидан ёқлаб ёки қарши овоз берган кишиларни аниқлаб турадиган ташкилий тадбирни қўллашимиз мумкин, деди у. Бу — сайловчилар ўз манфаатларига путур етказган депутатларни назорат қилиб туришлари учун зарур.

Депутат съезд қатнашчиларини митингларга боришга даъват этди. «Сайловчилар КПССдан ва Ўрта Осиё республикаларидан сайланган ва якдиллик билан овоз бераётган депутатларнинг позициясини билишни истайдилар», — деди у.

Архангельск шаҳридаги сайловчилардан бири ўз депутати **Ю. А. Барашковга** йўллаган телеграммада «Сафсатабозликка чек қўйилиб, ишга ўтилсин!» — деган даъват янгради. Депутат телеграммани минбардан туриб ўқиб берди ва менинг юртдошларим съезднинг ўртамиёна ишидан қониқмаяптилар, деган хулосага келди. Сайловчи Олий Советни сайлаш чоғидагига қараганда қатъиятли, сабр-тоқатли, вазмин бўлишга, шошқалоқлик қилмасликка, ғоят масъулиятли бўлишга даъват этади. Телеграммада: биз сизларни мамлакатнинг тақдирини белгилаш учун съездга юбордик, дейилади. Одамларга талон бўйича бериладиган колбаса билан бир парча нон эмас, балки тўлақонли, демократик, гуллаб-яшнаётган жамият керак.

Депутат ўқиб берган бошқа мактубда бюрократик аппарат яна қолиб чиқмоқда, реал ҳокимиятни Советларга топшириш катта шубҳа остида қолмоқда, деган фикр баён қилинган.

Архангельск вакили депутатлар Попов, Афанасьев ва бошқаларнинг фикрига қўшилди.

Съездда ниҳоят қачон ишга ўтамиз, қачон жамият турмушидаги муҳим масалаларни — иқтисодий ислоҳот, социал муаммоларни қачон муҳокама қилиш билан шуғулланамиз, деган сўзларни кўп марта эшитдик, деди депутат **В. И. Самарин**. Келинглар диққат билан ўйлаб кўрайлик, деб мурожаат қилди у съездга, сафарбар этувчи жиддий давлат машинасини вужудга келтирмай туриб, бундай муҳим ислоҳотларни вужудга келтириш ва амалга ошириш мумкинми?

Мен, деди сўнгра депутат, М. С. Горбачев съездда мамлакат Президенти лавозимига сайланганлигини кўрсатганини эслатиб ўтди. Аммо тартиб ва қонунчилик съездда бошланиши лозим. Нотиқ ўз фикрича, ташкилий масалалар ва регламент бузилишига бир неча бор йўл қўйилганлигини айтиб, буларга бирмунча принципиал муносабатда бўлишни талаб қилди.

Съезддаги демократик вазият кўпчиликка ўз йўлини ўтказиш имконини беради. Аммо озчилик ҳам ўз позициясини баён этиш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Москва ва РСФСРдан Олий Советга сайлов чоғида, кескин, аммо тўғри фикр баён этган барча кишилар рўйхатга олинганида фикрлар хилма-хиллиги қанчалик қаттиққўллик билан рад этилганлиги мени ҳайратга солди, деди депутат. Номма-ном овозга қўйиш тўғрисидаги принципиал масалани ҳал этиш керак. Умуман овоз бериш бир неча бор раиснинг фикр-мулоҳазалари билан алмашилиб турди, шунинг учун мажлисда раиснинг ролини аниқ белгилаб бериш зарур. Депутатларнинг сўров ва хатларини кўриб чиқиш чоғида тартибга янада қатъий амал қилиш лозим. Нотиқ асосий масалалар юзасидан қўшимча докладлар тайёрлаш тўғрисида москвалик депутатлар группасининг таклифини қўллаб-қувватлади.

Шундан кейин сўз олган депутат **Г. Х. Попов** ҳамкасбларидан депутат А. И. Казанник фикрини тинглашни сўради. А. И. Казанник депутат Б. Н. Ельцин СССР Олий Совети Миллатлар Советига кириши учун ўзини Миллатлар Советининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни илтимос қилди.

Мен — юристман, деди депутат **А. И. Казанник**, шу сабабли профессионал жиҳатдан саводли СССР Олий Советида, айниқса унинг дастлабки иш даврида, мамлакатимизнинг, эҳтимолки, 2000 йилгача бўлган тақдирини белгилайдиган жуда муҳим қонунлар қабул қилинадиган пайтда унинг составида бўлишни жуда хоҳлар эдим. Аммо СССР Олий Советига сайлов ўтказилган пайтда биз ўзимизнинг сиёсий калтабинлигимиз туфайли атоқли олимлар, сиёсатчилар номзодларини ўтказмаганлигимизни сездим ва менингча, Миллатлар Советига Б. Н. Ельцин ўтиши учун бирдан-бир тўғри қарорга келдим. СССР Олий Совети Миллатлар Советига овозга қўймай туриб, Б. Н. Ельцинни киритишни сўрайман. Мен фақат шу шарт билангина ўз номзодимни қайтариб оламан, деб таъкидлади депутат.

Раислик қилувчи А. И. Казанник баёнотининг моҳияти юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини айтиш учун юрист депутатларни таклиф этади. Депутатлар **А. А. Собчак, Ф. М. Бурлацкий, А. П. Яненко, Б. В. Мирошин, А. Н. Крайко, В. А. Пальм, Л. А. Кузнецов** съездга юридик тусдаги зарур изоҳлар бердилар.

Съезд депутат А. И. Казанникнинг СССР Олий Совети Миллатлар Советининг аъзоси вазифасини ўзидан соқит қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирди ва РСФСРга оид ўзгартишларни ҳисобга олиб, Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи ҳисоб комиссиясининг протоколини тасдиқлади. Шунга мувофиқ депутат **Б. Н. Ельцин** СССР Олий Совети Миллатлар Советининг аъзоси бўлди.

Шу билан съезднинг кечқурунги мажлиси ўз ишини тамомлади.

30 май куни СССР халқ депутатларининг съезди ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

Халқ ишончининг белгиси

Мажлислар ўртасидаги танаффус вақтида Катта Кремль саройининг Георгий залида, депутатларни рўйхатга олиш тантанали маросимида бир неча кун муқаддам бўлганидек, сон-саноқсиз қандиллар ёқилди. Съезд қатнашчиларига «СССР халқ депутати» кўкрак нишонлари топширила бошланди. Дарвоқе, анжумандаги ишчанлик кайфияти, залдаги ва клуарлардаги қизғин фикрлашувлар бу сафар ҳам дабдабабозликдан асар қолдирмади.

Қизил қутичада — бураб ва тўғнағич ёрдамида тақиладиган нишоннинг икки нусхаси турибди. Унинг ташқи кўриниши аввалгисига ўхшайди — фақат ёзуви ўзгартирилган — «СССР халқ депутати» деб ёзилган. Аммо шу ўзгариш мамлакат турмушидаги кўпгина ҳар хил ўзгаришларни ва депутатнинг роли бутунлай бошқача бўлиб қолганини билдиради. Иборали қилиб айтганда, бу нишон кўпгина депутатлар учун халқ ишончига сазовор бўлиш йўлидаги қийин курашда эришилган мукофотдир.

— Бу нишон менга мен халқ номидан келганимни, халқ депутати эканлигимни, демак, халққа хизмат қилаётганимни, унинг манфаатларини ҳимоя қилаётганлигимни эслатади, — деди ВЛКСМдан сайланган депутат **С. Беляев** ТАСС мухбирига.

Петропавловск-Камчатскдан келган депутат **А. Балейко** гапга аралашади: сайлов кампанияси чоғида мендан, агар депутат бўлсангиз, биринчи галда нима қилар эдингиз, деб сўрашган эди. Қийин савол, шу сабабли мен, «Аввало, депутатлик нишонини тақиб оламан», деган ҳазил билан қутилишга ҳаракат қилган эдим. Мана, шундай пайт келди. Хўш, энди нима қиламиз? Энди ишлаймиз, дарвоқе, иш аллақачон бошланиб кетган. Съездда қатнашиш қизғин, жиддий меҳнат. Ҳатто депутат минбарга чиқмаётган бўлса ҳам, у бефарқ кузатувчи эмас. Ҳар сафар ўзинг қарор қиласан, кейинчалик нега айни шундай овоз берганингни ўз сайловчиларингга исботлаб бера олиш учун ўзингнинг жуда асосланган нуқтаи назарингни ҳосил қиласан.

Ленинград ва Новгород митрополити **Алексейга** шундай савол берамиз: бут билан депутатлик нишонининг ёнма-ён туриши унчалик одатдагидек кўринмаяпти шекилли?

Бундан буён одатланамиз, дейди кулиб руҳоний, Ҳар ҳолда қайта қуриш шундай имкониятни беради. Шуни айта оламанки, депутатлик нишони — мен учун катта шараф. Шунинг учун уни фахрланиб тақиб юраман, демакки, катта программани ва ўзим бажариб келаётган кундалик вазифаларни амалга ошириш учун ишлайвераман.

Бугун олинган нишон рўй бераётган воқеаларнинг тимсоли эканлиги, шубҳасиз, дейди **М. Ульянов**. Зеро, съездда рўй бераётган воқеалар — ҳақиқатан ҳам маросимли, ибратли ва ҳаяжонлидир. Ҳамма иш ҳам ҳозирча кўнгилдагидек бўлаётгани йўқ. Ҳа, дарров кўнгилдагидек бўла олмайди ҳам. Чунки биз демократияни эндигина ўрганаяпмиз. Ўтмишнинг қандайдир шарпаси ҳамон бизни орқага тортмоқда. Мана бу нишон эса жуда ёқимли, аммо мен унга осойишта қарайман.

...Ҳар ҳолда депутатлик нишонини олиш — ҳамма учун эсда қоладиган воқеа. Шу сабабли ўнлаб фотомухбирлар тарих учун ва оилавий альбом учун шу воқеани акс эттиришга зўр бериб интилдилар.

(ТАСС мухбири).

Москва.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари Анатолий Иванович ЛУКЬЯНОВ

Анатолий Иванович Лукьянов 1930 йил 7 майда Смоленскда туғилган. 1953 йилда М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетини тамомлади. 1955 йилдан КПСС аъзоси. Юридик фанлар доктори. КПСС Марказий Комитетининг аъзоси.

Меҳнат фаолиятини 1943 йили мудофаа заводининг ишчиси бўлиб бошлади. Университет ва аспирантурани тамомлаганидан кейин СССР Министрлар Совети ҳузуридаги юридик комиссиянинг катта маслаҳатчиси бўлиб ишлади. 1961—1976 йилларда СССР Олий Совети Президиумининг Советлар иши масалалари билан шуғулланувчи бўлимининг катта референти, бўлим мудирининг ўринбосари бўлди. 1976 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг маслаҳатчиси. 1977—1983 йилларда СССР Олий Совети Президиуми Секретариатининг бошлиғи. 1983 йилдан КПСС Марказий Комитети умумий бўлим мудирининг биринчи ўринбосари, 1985 йилдан эса бўлим мудири. 1987 йилнинг январидан КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1987 йилнинг ноябридан эса, айни вақтда КПСС Марказий Комитети маъмурий органлари бўлимининг мудири. 1988 йилнинг октябридан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари.

1981 йилдан КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, 1986 йилдан эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС XXVI, XXVII съездларининг ва XIX Бутуниттифоқ конференциясининг делегати. 1988 йилнинг сентябрида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

СССР халқ депутати. РСФСР Олий Советининг депутати.

Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва медаллар билан мукофотланган.

1989 йилнинг 29 майида СССР халқ депутатларининг съездида СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб сайланди.

(Боши 1-бетда).

ФИКРЛАР ХИЛМА-ХИЛЛИГИ, ҲАРАКАТЛАР БИРЛИГИ

ҳозирги аҳволига турлича баҳо берилган. Кўпчилик (40 процент) демократиялаш муқаррарлигини гарантиялайдиган қўшимча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини айтган. Амалда ҳеч нарса қилингани йўқ, демократиялаш жараёни ҳали бошланмади, деб ҳисоблаётган пессимистлар ҳам бор эди. Бундайлар бир процентни ташкил этди.

Депутатларни қизиқтирувчи масалаларнинг иккинчи группаси ҳозирги съезддан улар нималарни кутаётганлигига, мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишга съезд қай даражада таъсир этиши мумкинлигига тааллуқлидир. Депутатларнинг катта қисми (60 процент) съезд қарорлари яқин икки-уч йил ичида мамлакатда ошкоралик, рўй-ростлик, сўз эркинлиги борасидаги ишларнинг аҳволини, гражданларнинг ҳар қандай муаммо хусусида ўз фикрини ҳалол ва чўчимасдан изҳор этиш имкониятини анча яхшилайди, деб кутмоқда. Сўраб чиқилган кишиларнинг учдан бир қисмига яқини гражданларнинг давлат сиёсатига, жамиятдаги ишларнинг аҳволига, ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантиришга таъсири кучаяди, деган фикрни билдирмоқда. Бир мисол келтирамиз: депутатларнинг 55 проценти яқин йиллар мобайнида экономиканинг ҳолати, одамларнинг турмуш даражаси, моддий аҳволи яхшиланади, аммо унча кўп эмас, деб ҳисобламоқда.

Масалаларнинг учинчи группаси СССР халқ депутатларининг ўз бурчларини муваффақиятли бажаришлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги фикрни акс эттиради. Ғоят катта кўпчилик СССР халқ депутатининг статуси тўғрисида СССР Қонунини қабул қилиш, халқ депутатларининг сўровлари ва мурожаатлари юзасидан чоралар кўришмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, ҳар бир депутатга ўз фаолияти учун зарур бўлган ахборотни бемалол олиш имкониятини таъминлаш биринчи навбатдаги чоралар, деб ҳисоблайди.

Уларнинг фикрича, ҳозирнинг ўзидаёқ съезднинг иши давомида депутатларни давлат ва жамоат турмушининг ғоят муҳим масалаларга хусусида жамоатчилик фикри, халқ хўжалигини ривожлантиришга тааллуқли статистика маълумотлари қандайлиги ҳақида, совет ва чет эл қонунлари тўғрисида хабардор қилиб туриш зарур.

Социологлар съезд ишининг дастлабки кунларидан депутатлар қай даражада қониқиш ҳосил қилганликлари билан қизиқдилар. Умуман кўпчилик умид қилган ва кутганидек бўлди. Аммо умуман шундай умидлари оқланмаган кишилар ҳам оз эмас — 40 процент эди.

Депутатлар ўзларининг дастлабки таассуротлари тўғрисида гапириб, съезднинг демократик характери, фикрларнинг хилма-хиллиги, мунозаралар, депутатларнинг дадиллиги, ташаббускорлиги, ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш муддаоси, рўй-ростлик ҳаммадан кўра кўпроқ ёқиб тушганлигини уқтириб ўтдилар. Аммо матбуот, телевидение ва радионинг иши кўпчиликни қаноатлантирмаяпти.

Депутатларга съезддаги бир қанча ўртоқларнинг хулқ-атвори, съездни ташкил этишдаги камчиликлар, бир қанча депутатларнинг сиёсий маданияти пастлиги, улар беҳуда мунозараларни тиқиштираётганликлари ёқмаяпти.

Съездга Кремлдан назар ташлаганда гаплар ана шундай. Совет кишилари съезднинг ишига қандай баҳо бермоқдалар? Анжуман номига келган салкам 22 миллат хат ва телеграмма шундан далолат беради. Шуларнинг баъзилари билан сизларни таништирамиз.

Хатларнинг муаллифлари халқ хўжалигининг аҳволига танқидий баҳо берадилар, экономикани соғломлаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакларини тезроқ жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратадилар, мамлакатни кризисли вазиятдан халос этиш юзасидан шошилинч чоралар кўришни депутатлардан илтимос қиладилар. Меҳнаткашларнинг фикрича, буйруқбозлик-бюрократик системанинг иллатлари, меҳнат интизомининг пастлиги, меҳнат коллективларининг чинакам мустақиллиги йўқлиги экономикага тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардир. Шу кунларда биз суҳбатлашган ўзбекистонлик депутатларнинг кўпчилиги ҳам шу фикрга қўшилади.

Бизнинг юртдошларимиз саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш шароитида барча бўғин Советлари халқ депутатларининг мамлакатда соғлом экология вазиятини таъминлашга, инсоннинг яшайдиган муҳитини ҳимоя қилишга, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишга ўтказадиган таъсирини кучайтириш муҳим масала деб ҳисоблайдилар. Хатларнинг кўпида айрим министрликлар ва идораларнинг маҳаллий манфаатларини кўзлаб, экологик жиҳатдан зарарли ҳамда иқтисодий жиҳатдан наф келтирмайдиган лойиҳаларни тиқиштириш йўлидаги уринишларга қатъиян чек қўйишга даъват қилинади.

Яқин икки йил ичида Оролни тиклаш чоралари кўрилмаса, шу регионда яшовчи халқларнинг фақат бита йўли қолади, у ҳам бўлса қадрдон жойларини тарк этишдир. Москвалик П. Погорелов съезд номига ана шундай ташвишли хат йўллади.

Бу эса Ўзбекистоннинг кўпгина муаммолари умумхалқ муаммолари бўлиб қолганлигини кўрсатувчи биргина мисол эмас. Мамлакатнинг барча томонларидан келган юзлаб хат ва телеграммаларда ана шулар ҳақида ёзилган.

Анжуманга келган хат-хабарларнинг талайгина қисми аҳолининг турмуш даражасини ошириш масалаларига тааллуқлидир. Пенсионерлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, кўп болали оиналар ва кам таъминланган бошқа категориялардаги гражданларнинг мурожаатлари зўр алам билан йўғрилгандир. Улар ўзларининг кундалик эҳтиёжларига қилган камтарона харажатлари ҳисоб-китобларини хатларга илова қилиб ва уларни нархнаво ҳамда пенсияларнинг миқдорлари билан таққослаб: «Маслаҳат беринг, бу аҳволда қандай қилиб учма-уч етказиш мумкин?» — деб сўрашади. Пенсия тўғрисидаги янги Қонун ишлаб чиқишни, давлат қарзи беришни жадаллаштириш истаклари билдирилмоқда. Нарх белгилаш ислоҳотини ишлаб чиқиш ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш чоғида аҳоли шу табақаларининг манфаатларини эътиборга олиш таклиф қилинади. Мамлакатда 23 миллион киши ойига 60 сўмгача пенсия олаётганлиги факти депутатларни лоқайд қолдириши мумкин эмас. Пенсионер ва инвалидлардан 10 миллион киши мутлақо ёлғиз кишилардир.

Мамлакатда жиноятчилик кўпайиб кетаётганлиги, салбий ҳодисаларга, айниқса, ёшлар ўртасидаги салбий ҳодисаларга чек қўйиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари кўраётган чоралардан қониқмаслик кучайиб бораётганлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Хатларнинг бирида қуйидагиларни ўқиймиз: «Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бўлгани каби комсомоллар ва коммунистлардан иборат алоҳида вазифаларни бажарувчи отрядлар тузиш, милиция органларини мустаҳкамлаш, тартиб бўлиши учун уларга нисбатан жуда қаттиқ талабчанлик қилиш керак».

Съезд номига 1,3 мингтадан кўпроқ телеграмма келган бўлиб, бу телеграммалар СССР Прокуратурасининг терговчилари Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов фаолияти тўғрисидаги мақолалар билан боғлиқдир.

Гражданлар мурожаатларининг бир қисми миллатлараро муносабатлар масалаларига дахлдордир. Шундай телеграммалар Ўзбекистондан ҳам, қрим татарлардан, немислардан, месхетилардан, бошқа миллат ва элатларнинг вакилларидан келди. Уларнинг муаллифлари депутатларга миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашнинг мураккаб масалаларини ҳал этиш чоғида адолат ва давлат донишмандлигини намоён этишни таклиф қиладилар.

Съезднинг «Гражданларнинг СССР халқ депутатлари съезди номига келаётган таклифлари, аризалари ва шикоятлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ биронта ҳам хат кўриб чиқилмасдан қолаётгани йўқ — улар тегишли давлат ва жамоат органларига юборилмоқда. Аризаларнинг кўпини эса депутатлар назорат остига олишган.

РЕСПУБЛИКА МЕҲМОНЛАРИ

Македония Социалистик Ёшлар Союзи (МСЁС) республика конференциясининг делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. Унга МСЁС республика конференциясининг раиси Ристо Иванов бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар Тошкентнинг бош майдонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар, Парадлар хиёбонидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди.

30 май куни делегация аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов қабул қилди. Шу куни меҳмонлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида қабул қилиндилар.

Меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, меҳнат коллективларига бордилар, ёшлар билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 29 май куни бўлган навбатдаги мажлисида республика совет ва хўжалик органларининг социалистик мулкни сақлаш юзасидан назоратни кучайтириш борасидаги ишига оид масала муҳокама қилинди. Муҳокама якунларига кўра, бир қанча министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг халқ хўжалигининг ана шу муҳим участкасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди. Социалистик ва жамоат мулкини ўғирлаш, шу жумладан, майда ўғирлик, хўжасизлик, моддий қадриятларни бузиш ҳар йили экономикага катта зарар етказаётганлиги уқтириб ўтилди. Мажлисда келтирилган маълумотлар ҳамда фактлар буни тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети системасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бузилиши, ҳисоб-китобдаги камчиликлар, исрофгарчилик ва хўжасизлик оқибатида 1988 йилда кўрилган зарар 10 миллион сўм миқдорида ҳисобланмоқда. Ўрни қопланмаган қарзнинг миқдори кейинги беш йил ичида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги бўйича 4,4, Ўзбекбирлашув бўйича эса 7,3 баравар кўпайди. Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё савдо бошқармалари корхоналари ва ташкилотларида, шунингдек, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қашқадарё ва Андижон областлари матлубот союзларида ўғирлик қилиш ҳоллари давом этмоқда.

Республика айрим министрликлари ва идораларининг коллегиялари салбий ҳодисаларга қарши қатъий кураш олиб бормаяптилар, молиявий интизом бузилиши билан муроса қилаётган, баъзан эса ўзи ҳам суиистеъмолчилик йўлига ўтиб олаётган раҳбарларнинг хатти-ҳаракатларига принципиал баҳо бермаяптилар. Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги системаларида ғайриқонуний молиявий операцияларда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам қатнашганлиги аниқланди. Кооперативлар фаолиятида анчагина қонунбузарликлар бор.

Ўғриликлар, камомадлар ва давлатни алдашни келтириб чиқарадиган сабаблар орасида идоравий ревизия аппарати фаолиятида тубдан қайта қуришнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Кўпгина ревизиялар ҳамон юзаки, расмиятчилик билан ўтказилмоқда, улар етарли даражада самара бермаяпти, суиистеъмолчиликнинг олдини олиш ишида сезиларли силжиш йўқ. Назорат қилувчи аппаратларни юқори малакали кадрлар билан тўла-тўкис таъминлаш учун ўз вақтида чора кўрилмаяпти. Ревизорлик лавозимида ишлайдиган кишилар Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигида 30 процент, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида 21 процент, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигида 11 процент, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигида 10,6 процент етишмайди.

Давлатни алдашнинг дастлабки негизини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш ишига ҳамда халқ мулкини ўғриловчиларга қарши курашга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларимизнинг етарли даражада шошилинч чора кўрмасликлари таъсир қилмоқда. Тергов органларига берилган айрим текширув материаллари узоқ вақтгача қараб чиқилмайди, моддий бойликлар ва пул маблағларини ўғрилашда айбдор бўлган кишилар жиноий жавобгарликка тортилмайди. Улар келтирган зарар ундириб олинмайди. Бу эса моддий жиҳатдан масъул бўлган бошқа шахсларга ёмон таъсир қилади ва уларда ўз қилган жиноятлари учун жазоланмасликларига ишонч туғдиради.

Президиум Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (Т. Н. Набиев), Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (К. Н. Комилова), Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети (Э. Турсунов) ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (С. М. Баҳромов) раҳбарларига халқ мулкини сақлаш масалаларига бундай муносабатда бўлишга йўл қўйиш мумкин эмаслигини қатъий уқтирди ва уларни социалистик мулкни сақлашни таъминлаш ишида қатъий чоралар кўриш зарурлиги учун шахсан жавобгар эканликлари қаттиқ кўрсатиб ўтилди. Шу мақсада моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга аввал ана шундай участкаларда ўз обрўсини туширган ва қўйган шахсларни қабул қилиш ҳолларини бартараф этиш, аппаратларни кадрлар билан тўла таъминлаш ва ревизия хизматлари иши даражасини кескин кўтариш, меҳнат коллективларида халқ мулкини талон-торож қилувчилар теварагида муросасизлик муҳитини вужудга келтириш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги (Ў. С. Раҳимов)га, Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги (Б. Ғ. Олимжонов)га Ўзбекистон ССР Прокуратураси ва Ўзбекистон ССР Олий суди билан биргаликда халқ хўжалигининг барча соҳалари ҳамда аҳоли ўртасида профилактика, огоҳлантириш ва ҳуқуқий ишларни кучайтириш юзасидан амалий чоралар кўриш топширилди. Хўжалик органларидан тушадиган материалларни текшириш ва уларни қараб чиқиш муддатларини ҳам ниҳоя борича кўпроқ қисқартириш, министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар давлатга келтирган зарарни ўз вақтида ва тўла ундириб олиш устидан кундалик назорат ўрнатиш зарур.

Президиумда республикада лойиҳа-смета интизоми бузилиши фактларини муҳокама қилишда ўткир ва принципиал суҳбат бўлди. Ўтган йили ва шу йилнинг тўрт ойи мобайнида бир қанча объектларнинг смета нархлари 14 марта қайта тасдиқланган ҳоллари аниқланди. Бунинг натижасида бу объектлар нархи умуман 3 миллион сўм атрофида қимматлашиб кетди. Улар орасида қурилиш нархи 519 минг сўм кўпайган Нукус шаҳри ҳамда Ўроқ-Болга посёлкасидаги мактаблар (буюртмачи — ҚҚАССР Министрлар Совети капитал қурилиш бошқармаси, бош лойиҳачилар— «Узагромежколхозпроект» ва «Узгипромежилпроект» институтлари, бош пудратчи — Ўзбекистон ССР собиқ Қурилиш министрлигининг 186-трести); Тошкент шаҳридаги Беньков номли рассомчилик билим юртининг қурилиши 484 минг сўм қимматлашган биноси (буюртмачи — Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, бош пудратчи — Узагрострой); Зарбдор район партия комитети ва район ижроия комитетининг нархи 335 минг сўмга қимматлашган биноси (буюртмачи — Сирдарё область ижроия комитети, бош пудратчи— «Бустонсовхозстрой» трестининг 8-кўчма механизациялашган колонаси) ва бошқа бир қанча объектлар бор.

«Узагромежколхозпроект», «ТашНИИПИгенплан», «Ташгипрогор», «Гипрониздрав»нинг Ўрта Осиё филиали, «УзНИИПградостроительство» институтининг Самарқанд ва Бухородаги собиқ филиаллари, «Узгипросельстрой»нинг Нукус филиали лойиҳа ташкилотлари ўзлари ишлаб чиққан ишчи ҳужжатларида смета кўрсаткичларининг ишончли бўлмаслигига йўл қўймоқдалар. Бу эса объектларнинг умумий смета нархи қимматлашишига олиб келмоқда. Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети ва Узагростройнинг баъзи пудрат ташкилотлари буюртмачиларнинг измидан чиқишмаяпти ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг тўла-тўкислигини тегишли равишда текширмай протоколларига имзо чекишмоқда. Бу эса оқибатда объектлар қурилиши норматив муддатлари барбод бўлишига олиб келади.

Ишнинг мазкур участкаси учун жавобгар бўлган Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Сирдарё, Бухоро область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари лойиҳа-смета интизоми бузилишининг олдини олиш юзасидан ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўришмаяпти. Лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва эксперт органларининг жойлардаги ишини текширишга даъват этилган Давлат архитектура комитети ва Узглавгосэкспертиза ана шу муҳим ишга ниҳоятда кам эътибор бермоқдалар. Лойиҳалашда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда қурилишдаги тартиббузарлик ҳодисалари аниқланганида айбдорларга давлат нуқтаи назаридан принципиал баҳо берилмайди.

Президиум лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда мавжуд тартиббузарлик фактларини қоралади. Ҳажмпланлаштириш, конструктив ва бошқа ечимларга зўравонлик билан ўзгаришлар киритиш сингари яроқсиз практикага, қурилиш жараёнида пардозлаш материалларини янада қимматроқ материаллар билан алмаштиришга, шунингдек, қурилишнинг норматив муддатлари бузилишига йўл қўйиб бўлмаслигига, бу — объектлар нархи анча қимматлашишига олиб келишига бир қанча министрликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари раҳбарларининг — буюртмачилар, қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг жиддий эътибори қаратилди.

УзНИИПградостроительство (А. В. Ғаниев), ТашНИИПИГенплан (Л. Т. Адамов), ТашГипрогор (Д. Ш. Исломов), ГИПроНИИЗдрав Ўрта Осиё филиали (В. С. Бахарев), Узагромежколхозпроект (Р. Н. Шомансуров), УзГИПромежилпроект (О. Н. Бектемиров), Узгипросельстрой (Р. И. Қодиралиев) лойиҳа институтлари раҳбарлари институтлар ва уларнинг филиаллари чиқараётган лойиҳа ҳужжатларининг сифати учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилди.

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети, Давлат архитектура комитети, Ўзбекистон саноат қурилиш банки, Ўзбекистон уй-жой-социал банки ва Ўзбекистон агросаноат банкига назоратни янада кучайтириш, ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлароқ фойдаланиш ҳамда интизомбузарларга нисбатан ўз вақтида тегишли жазо чоралари кўриш топширилди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«Мухбир» — «Корреспондент»

Журнал 1989 йил январь ойидан бери янги формата, офсет усулида, рангли босилмоқда. Унинг бешинчи сони яқинда босмадан чиқди. У матбуот тарихига доир бир қатор мақолалар, жумладан, Тошкент театр рассомчилик институтининг ўқитувчиси О. Шаповаленконинг «Искрадан — «Правда»га, Сирдарё давлат педагогика институтининг катта ўқитувчиси О. Икромовнинг «Репрессия ва судларнинг уқубатлари орқали», тарих фанлари кандидати Т. Пидаевнинг «Ҳарбий матбуот тарихидан» сарлавҳали мақолалари босилган. Тарих фанлари кандидати П. Агаповнинг «Кураш — ҳаётимнинг мақсади эди...» сарлавҳали мақоласида Н. И. Бухарининг журналистик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

«Тажриба, муаммо, мулоҳаза» бўлимида ҳар галгидек тажрибали журналистларга минбар берилган. Унда «Учитель Узбекистана» газетасининг бўлим мудири Е. Хламовнинг «Агар мен бўлмасам, унда кимГ», Ўзбекистон радиосининг бўлими мудири Р. Меламеднинг «Радиокўприк», Д. Раҳмонова ва Б. Сиддиқовнинг «Район газетаси ва инсон омили» ҳамда Кўқон шаҳар «Знамя труда» газетасининг бўлим мудири А. Казанджаннинг «Дардга йўғрилган фикрлар» сарлавҳали мақолалари ўрин олган.

Журналист кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакаси ва билимини мунтазам ошириб бориш ҳамиша журнал эътиборида турган энг муҳим мавзулардан бири. Унинг бу галги сонида ҳам шу мавзуда бир қатор мақолалар ўрин олган. Жумладан, филология фанлари кандидати Муҳаммад ал Бухорийнинг «Фан, ўқитиш, амалиёт: бир занжир бўғинлари» ва ТошДУ журналистика факультетининг студенти С. Новопрудскийнинг «Нималарни ўрганяпман ёхуд Оксфордни қўмсаб» сарлавҳали мақолалари ана шулар жумласидандир.

Поп район «Коммунизм учун» газетаси редактори А. Абдужалилов «Рентабелликка эришиш масаласи: кескин ҳаракат зарур» сарлавҳали мақоласида ўзи раҳбарлик қилаётган газета редакцияси коллективи газетани қандай қилиб рентабеллликка айлантирганлиги ҳақидаги тажрибасини ўртоқлашади. Ушбу сонда, шунингдек, журналистларнинг касб маҳоратини оширишга доир «Матбуот активистларининг ўқувчи»га бағишланган машғулотлар тематикаси ва тегишли адабиётлар рўйхати ҳам босилган.

ШИФОКОРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Москва, Ленинград ҳамда мамлакатдаги, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги бошқа шаҳарларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари Ўзбекистон аллергологларининг 30 май куни ўз ишини тамомлаган илмий-амалий конференцияси ишида қатнашдилар. Улар икки кун давомида медицина фанининг ана шу соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни, беморларга самарали ёрдам бериш масалаларини муҳокама қилдилар.

Бу йўналишда республикада анчагина ишлар қилинмоқда. Республика маркази, шунингдек областлардаги 30 дан ортиқ ихтисослаштирилган кабинетлар беморларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатмоқдалар. Соғлиқни сақлаш соҳасида иммунотерапиянинг аралаш усули кенг жорий этилди, касалликни даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилди. Бироқ аллергология хизмати ҳали бугунги талабларга жавоб бермайди. Республика диспансерини ишга туширгач, аллергия билан касалланган беморлар учун ўринлар сонини кўпайтириш зарурати пайдо бўлди.

[ЎзТАГ мухбири].

БАЙРАМ КУНЛАРИДА АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР

Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари биродарлашган шаҳарлари вакилларининг Тошкентда ўтаётган учрашуви иккинчи иш кунини худди ана шундай таърифлаш мумкин. Учрашув қатнашчилари дўстлик ҳақидаги, ўзаро ҳурмат ҳақидаги шиорлар ва чақириқлардан фойдаланишга интилмай, совет кишиларида ҳам, американликларда ҳам катта қизиқиш уйготаётган муаммолар юзасидан амалий ҳамда аниқ-равшан мунозаралар олиб боришмоқда.

Учрашувнинг иккинчи кунида бир йўла тўрт йўналиш бўйича қизғин суҳбат бошланди. «Совет ва Америка шаҳарларида шериклик алоқалари структураси, уларни маблағ билан таъминлаш ва бу алоқаларни ташкил этиш: ўхшашлик ва тафовутлар», «Шаҳарлардаги этник муаммолардан ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволдан ташвишга тушган аҳоли группалари манфаатларини ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш», «Биродарлашган шаҳарлар алоқаларини енгиллаштириш учун алоқа воситалари ва технологияларидан фойдаланиш», «Бир хил касбдаги кишиларни бир-бирларининг ҳузурига юбориш имкониятлари» мавзулари муҳокама қилинди.

Мазкур мавзуларни санаб ўтишнинг ўзигина учрашув қатнашчиларининг қизиқишлари қай даражада кенг эканлиги тўғрисида аниқ тасаввур беради. Бинобарин, бу қизиқиш назарий, мавҳум эмас, балки халқларимиз ўртасида, биродарлашган шаҳарлар ўртасида юзага келган ўзаро муносабатлар практикаси билан боғлиқ қизиқишдир.

Биродарлашган шаҳарларнинг фан, техника, маорифнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлигига, бир касбдаги кишиларнинг бир-бири ҳузурига юбориш соҳаларидаги ҳамкорликка бағишланган «Давра суҳбати» мажлисида Тошкент медицина институти проректори, медицина фанлари доктори Г. А. Полякованинг нутқи катта қизиқиш уйготди.

— Мен биродалашган шаҳарлар ўртасидаги илмий ҳамкорлик ўз олдига қандайдир жуда катта, кенг кўламдаги муаммоларни ҳал этишни мақсад қилиб қўймаслиги керак, деб ҳисоблайман. Давлат «ҳомийлигидан» ҳоли бўлган биргаликдаги программалар конкрет амалий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим, деди у. — Баъзи кишилар ҳамкорлик жилла бўлмаса ўзаро сафарлар учун катта маблағлар талаб қилади ва бу алоқаларнинг ривожланишига халақит беради, деб ҳисоблашмоқда. Лекин бундай эмаслигига ишончим комил. Бундай ташрифлар халақит бермайди, албатта. Лекин у ёки бу сабабларга кўра ташрифлар етарли бўлмаса, илмий ахборот алмашишни узлуксиз йўлга қўйиш, бир-биримизни такрорлаш ва бошқа кўплаб муаммолардан ҳоли бўлиш учун ўз илмий программаларимизни келишиб олишни қондага айлантириш мумкин. Г. А. Полякова ўз институтида хавф-хатар омилларини ўрганиш юзасидан ёшларнинг мувақкат ижодий маркази ташкил этилганлигини айтди. Марказ гиёҳвандлик, заҳарвандликнинг биологик ва социал жиҳатларини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Ҳозир бу муаммо бутун дунёда ўткир бўлиб турибди. Ана шу офатга қарши курашнинг аниқ-равшан масалаларини ҳал этишда ҳамкорлик жуда ҳам зарур ва муҳимдир.

Совет шифокорининг нутқи американликларда жуда катта қизиқиш уйготди. Калифорния штатининг Сан — Диего шаҳрида яшовчи доктор Р. Пресс Г. А. Полякова айтган ғояларни қизғин қўллаб-қувватлади. У ҳозирги вақтда бутун дунёдаги кўп кишилар давримизнинг бало офатига айланган касалликлардан азоб чекаётганликларини, жумладан қанд касаллиги, атеросклероздан қийналаётганликларини таъкидлади. Бу касалликларни биргаликдагина енгиш мумкин. Американлик шифокор врачларнинг ўзаро бир-икки ойлик иш ўрганишларини уюштиришни таклиф этди ва уни ташкил этишда ёрдам беришга ўзининг тайёр эканлигини айтди.

Тошкент политехника институти машинасозлик кафедрасининг доценти, техника фанлари кандидати Н. Н. Содиқов американликлар билан энг аввало биз орқада қолаётган уч соҳада ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни зарур, деб ҳисоблайди, американликлар бу соҳаларда бой тажриба тўплаганлар. Жумладан менежмент соҳасини олайлик. У биродарлашган шаҳарлар ҳамкорлик программаси Америка қисмининг мувофиқлаштирувчиси, таниқли менежер С. Райсмит билан учрашди. С. Райсмит ўқув программалари билан ёрдам беришга ваъда қилди. Содиқовнинг фикрига қараганда, машинасозлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш жуда муҳимдир. Жумладан, Сиэтл шаҳридаги Вашингтон номли университет билан ҳамкорлик ниҳоятда қийин бўлур эди.

«Сиэтл — Тошкент» биродарлашган шаҳарлар комитетининг раиси Р. Ройерхоним уларнинг университети ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент политехника институти билан маълум даражада ҳамкорликни йўлга қўйганлигини айтди. Бироқ, у Тошкент олий ўқув юртлари, илмий ташкилотлари янада фаолроқ ишлашларини, янада кўпроқ ташаббус кўрсатишларини хоҳлаётганлигини айтди. Р. Ройерхоним уларнинг барча таклифлари диққат-эътибор билан ўрганиб чиқилади, деб ишонтирди.

Бундан бир неча йил илгари американликлар билан инсон ҳуқуқлари тўғрисида бу даражада ошкора мунозара қилишга ботинаолмаган бўлур эдик. Чунки ҳозир турғунлик даври деб аталаётган даврларда бизда бу соҳада ҳамма ишлар жойида, бу ҳақда гапиришга ҳам ҳожат йўқ, деб ҳисобланар эди. Бироқ партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш мазкур йўналишда ҳам кўплаб салбий ҳолатлар бор эканлигини кўрсатди. Биз энг аввало ҳуқуқий давлатни тузишимиз лозим.

Американлик дўстларимизни СССР территориясида яшаётган совет яҳудийлари, турли элатларнинг аҳволи қизиқтирмоқда. Айни вақтда улар Совет Иттифоқининг бу соҳадаги сиёсатида силжиш рўй берганлигини яқдиллик билан таъкидладилар. Мамлакатдан чиқиб кетишни хоҳлаганлар йўлидаги тўсиқлар анча камайганлиги аниқ равшан сезилиб турибди. Улар Америка Қўшма Штатларидаги Боулдер ва Душанбе биродарлашган шаҳарлари ҳокимлари Тожикистон гражданларидан бирининг жўнаб кетиши билан боғлиқ можароли вазиятни бартараф этишда ёрдам берганликларини мисол тариқасида келтирдилар. Биргаликдаги бундай ҳаракатлар ҳамжиҳатликни амалда мустаҳкамлайди, ўзаро фойдали ва самарали алоқаларга эришишга имкон беради.

Биродарлашган шаҳарлар бир-бирлари билан доимий ва мунтазам алоқа қилиб туриши учун нималар қилиши керак? Шу муаммога бағишланган мунозарада журналистлар, СССР ва АҚШ алоқа воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Уларнинг кўпчилиги илгари биргаликда ишлаб тажриба орттиришгани учун Тошкентда қадрдонлардек учрашдилар. Чунки йўлдош алоқа ёрдамида биродарлашган шаҳарлар аҳли ўртасида ўрнатилган радио ва телевидение мулоқоти эндиликда анъанавий бўлиб қолди ҳамда биродарлашган шаҳарлар ўртасида алоқа ўрнатиб туришни анча енгиллаштирмоқда. Учрашув қатнашчилари Тошкентни Сиэтл билан боғлаган икки радио мулоқотнинг гувоҳи бўлдилар. Аммо ана шундай алоқа сеанслари иккала томонга қимматга тушмоқда. Халқ дипломатияси ривожланиши билан эса биродарлашган шаҳарлар аҳолиси ўртасидаги муносабатлар ва алоқага бўлган эҳтиёж ортиб бораверади. Давра суҳбати иштирокчилари, агар мулоқот олиб боришни тайёрлаш учун ҳафталаб ва ойлаб вақт зарур бўлади деган бўлса, бундай мулоқотни олиб бориш мумкин эмас, деб таъкидладилар. Афсуски, ҳозирча АҚШдан СССРга ва СССРдан АҚШга қўнғироқ қилиш ниҳоятда мушкулдир.

Учрашув қатнашчилари Тошкентдаги саноат корхоналари, пойтахт областидаги колхозлар ва совхозлар меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлганида ҳам ана шу мавзуда мунозаралар давом этди.

Кечқурун эса американлик ва ўзбекистонлик кўнгиллиларнинг куч-ғайрати билан бунёд этилган Тошкент тинчлик боғидаги дўстлик митингида меҳмонлар ва мезбонлар яна учрашдилар.

ЎзТАГ

Суратларда: 1. Дўстлар учрашуви чоғида. 2. Американлик қўшиқчи Лили Уайлд. 3. Инвалидлар халқаро футбол программаси директори Билл Бэрри тошкентлик ўқувчи билан.

М. Назаров суратлари.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Сиэтл мэри Ч. Ройер, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. Ғуломов ҳамда СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари биринчи учрашувининг бошқа қатнашчилари журналистлар учун уюштирган матбуот конференцияси бошланганига икки соат бўлишига қарамай, саволларнинг охири кўринмасди. На иссиқ, на ҳорғинлик учрашувнинг ўзи ва ҳар икки мамлакат халқлари ҳаёти тўғрисидаги тафсилотлар келтириб чиқарган жуда катта қизиқишни пасайтира олмади. Совет ва Америка журналистлари ўзлари учун, демак ўз ўқувчилари учун ҳам биродарлашган шаҳарларда яшаётган дўстлар ҳаётининг барча энг қизиқарли жиҳатларини аниқлаб олиш учун микрофонлар олдига кетма-кет келар эдилар.

Ўзбекистон журналистларини Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги биродарона алоқаларнинг ривожланиш истиқболлари ҳаммадан ҳам кўпроқ қизиқтирар эди. Америка шаҳри мэри Ўзбекистон пойтахтига иккинчи марта келганлигини айтиб, шу вақт ичида бу ерда жуда катта ўзгаришлар юз берганини таъкидлади. Янги-янги қурилишлар, пайдо бўлган хиёбонлар, фавворалар—буларнинг ҳаммаси жуда ҳам муҳимдир. Бинобарин, Тошкент аҳолисининг ўзи ўзгараётганлиги янада муҳимдир. Бу нарса меҳмонларни янада илиқ ва очиқ чеҳра билан кутиб олаётганликларида ҳам кўриниб турибди. Шундай қилиб, бу ерда қайта қуришни, айтилганидек, оддий кўз билан ҳам кўриб олиш мумкин.

Бундан буёнги алоқаларга келганда эса, Сиэтл мэри ҳам, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ҳам унинг катта келажаги борлигини кўриб туришибди. Бугунги кундаёқ биродарлашган шаҳарлар учрашуви доирасида савдо-саноат доираларининг бир группа вакиллари ишлашмоқда. Улар ўзаро фойдали таклифларни ўртоқлашмоқдалар, бир-бирларига шерик изламоқдалар. Тошкентда Сиэтл шаҳри ёрдамида меҳмонхона қурилиши тўғрисида дастлабки протокол имзоланди. Меҳмонхона совет ва чет эл туристларига хизмат қилади. Ўзаро келишув асосида Америка мутахассислари Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш иншоотларини бунёд этиш билан шуғулланиши, республикамиз эса Сиэтлга ва АҚШдаги бошқа шаҳарларга ўзининг анъанавий маҳсулотини етказиб бериши назарда тутилади.

СССР ва АҚШ гражданларининг, жумладан, Тошкент ва Сиэтл гражданларининг шахсий алоқалари ҳам йил сайин кенгайиб бораверади. Мана, бир мисол: 1990 йилда Сиэтлда Яхши ният ўйинлари ўтказилади. Шундай қилиб, Америка томони мусобақалар бўлаётган вақтда совет биродарлашган шаҳарларидан келган гражданларни сиэтллик хонадонларда бевосита яшашлари учун уларни таклиф этиш юзасидан бу ўйинларга бутун бир программани тайёрламоқда. Бундай алоқалар янада мустаҳкамланади, деб ўйлаймиз. Америка — Совет алмашувлари президент программасини узоқ вақт бошқарган Стивен Райнсмитнинг матбуот конференциясида айтишича, агар Москвадаги элчихона 1985 йилда АҚШга қисқа муддатли сафар қилиш учун 3,5 мингга яқин рухсатнома берган бўлса, бу йил уларнинг сони камида етмиш мингтага етади.

(ЎзТАГ).

ҚУДРАТЛИ ВОСИТА

Вержил ФЭССИО,
«Сиэтл Пост-Интелледженсер» газетасининг нашири

— Сиэтл шаҳри аҳолисига ҳар куни 200 мингдан ортиқ нусхада етказиб бериладиган бу газетага бундан 120 йил муқаддам бизнесмен Вильям Рандоф Хорст асос солган. Кейинчалик газетанинг номи бир неча бор ўзгарди. Ҳозирда ҳам газетанинг хўжалик фаолиятини Вильямнинг оиласи бошқаради. Бу корпорация ихтиёрида Вашингтон штатининг 15 шаҳарида чиқарилувчи ҳар хил газеталар бор. Бундан ташқари 15 та журнал нашр этилади, 6 та телевидение студияси ишлаб турибди.

Сиэтлнинг асосий газетасида 150 ижодий ва техник ходим ишлайди. Улар ҳар куни 40 саҳифа, айрим тиғиз кунларда эса 90 саҳифагача газета тайёрлашади. Бизда полиграфия ва алоқа техникаси яхши йўлга қўйилган. Дунёда юз бераётган муҳим воқеалар бир сутка мобайнида, газета саҳифасидан муносиб ўрин олади.

Журналистларга қулай шароитлар яратилган. Яхши журналист редакцияда бир йилда 37-38 минг доллар маош олади. Газета саҳифаларида ҳаётнинг ҳамма масалалари ва воқеалари қамраб олинади. Москвадаги мухбирларимиз мамлакатингизда таркиб топаётган ошкоралик ва демократия туфайли янгиликларни кўпроқ ёритишга эришмоқдалар.

Сиэтл ва Тошкент ўртасидаги биродарлик алоқалари иккала шаҳар газеталари мухбирларининг ўзаро сафарларини уюштириш имконини беради, деган умиддаман.

Сиэтл газетаси ўз саҳифасида Тошкент ҳақида қатор қизиқарли мақолалар ёритди. Тошкент халқаро учрашуви газета журналистларига талай фикр ва мавзулар бермоқда.

Муҳаррир ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

Р — 01271. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Б. — 127. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12